

Меҳнат ародур  
кушод топмоқ  
билгил,  
Ранж ичрадурур  
мурод топмоқ  
билгил.



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

Алишер НАВОИЙ

1931-yildan chiqqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 8-fevral, chorshanba № 11 (8452)

9-fevral – Alisher Navoiy tavallud topgan kun

## ИЛМУ МАЪРИФАТНИНГ МАНГУ МАНБАИ

Мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбиясини юксалтириш жараёнида Алишер Навоий асарларини ўрганиш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, улуг шoir мероси инсон тасавури ва тафаккуридаги ноёб бадиий-эстетик ҳодиса бўлиш билан бирга, халқимиз учун илму маърифатнинг мангу манбаидир.

Халқимиз тарихидаги қутлуг сана — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида улуг мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг 570 йиллик тўйи кенг нишонланди. 2011 йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Симпозиумлар саройини биравлаштирган «Маърифат маркази» бунёд этилди. Миллий кутубхонада улуг шoirнинг 20 жилдлик мукамал асарлар тўпламининг электрон шакли яратилди. Гафур Фулом номидаги нашриётда Навоийнинг 10 жилдлик тўла асарлар тўплами юксак матбаа талаблари асосида нашр этилди.

Буларнинг барчаси халқимиз бугунги мураккаб глобал-

лашув шароитида ҳам илму маърифатга интилиб яшаётгани ҳамда мамлакатимиз ўз келажагини аждодлардан мерос куч – юксак маънавиятга таяниб барло этаётганининг ифодаси бўлиш билан бирга, аввало, ёш авлод диди, тафаккури ва ички оламини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида улуг шoir асарларининг янги 10 жилдлик нашрига бағишланган тақдиротда бу жиҳатлар яна бир бор ўз ифодасини топди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Миллий кутубхона ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда навоийшунос олимлар, адабиётшунослар, ёзувчи ва шoirлар,

ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Умаров, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи А.Орипов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасида ҳазрат Навоийнинг боқий мероси ҳам қадр топиб, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас ва муҳим қисмига айланганини таъкидлади.

Алишер Навоийнинг асарлари аввал 3, 15 ва 20 томлик шаклда нашр этилган. Янги тўламда эса аввалги нашрлардаги камчиликлар бартараф этилган, сўз ва ибораларга шарҳлар берилган. Тўламда ҳар бир ғазалнинг алоҳида саҳифада берилиши, «Алишер Навоий асарлари луғати»нинг илова қилиниши ўқувчиларга катта қулайлик яратади.

Тўламнинг 1-, 2-, 3- ва 4-



жилдларидан буюк шoirнинг «Хазойин ул-маоний» деб номланган тўрт девони, 5-жилддан форсий ғазаллари, 6-, 7- ва 8-жилдлардан «Хамса», 9- ва 10-жилдлардан адабиётшунослик, тарих ва тасаввуфга оид насрий асарлари жой олган. Тўлам замонавий ва миллий дизайн асосида, ташқи ва ички безаклари билан нашр этилган.

Куллиёт ҳар жиҳатдан мукамал тайёрлангани боис ҳам 2011 йилда ўтказилган «Энг яхши китоб» иккинчи республика кўрик-танловининг мум-

тоз адабиёт йўналишида голиб деб топилди.

Тақдиротда Алишер Навоий асарлари янги нашрининг ёшлар тафаккури ва маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти, улуг шoirнинг ижтимоий-философий, адабий-эстетик ва диний дунёқарши, комил инсон тўғрисида илгари сурган ғоялари, она тилимиз ривожига қўшган ҳиссасига оид маърузалар тингланди. Буюк шoirга бағишланган шеърлар ўқилди.

ЎЗА

## «...КЎРСАМ ЭСЛАБ ҚОЛАМАН, БАЖАРСАМ ТУШУНАМАН»

ёхуд таълим самарадорлигини таъминлашда ўқув-лаборатория жиҳозларининг ўрни хусусида

Яқин ўтмиш ҳикояси

Болалигимни, кимё дарсини эсласам, дафъатан миямга уриладиган сўз бу — реакция эди. Кейин даврий жадвал, элемент, бирикмалар, оксидлар, кислота-лар... Энг асосий вазифамиз мана шуларни ёддан билиш ва кимёвий реакция жараёнини тўғри таҳлил қилиш эди. Элемент номларини биламиз-у, реакцияни ёз деса, қўл қалтирарди. Ўқитувчимиз «сўзнинг формуласи»ни сўрайди. Кимдир «Битта кислород, иккита водород» дейди, аммо доскага чиқиб ёзишга келса, ҳаммамиз ожизмиз. Ўқитувчимиз ҳазиллашади: «Сизни саҳрода қолдириш керак!». Муаллимнинг минг танбехини эшитмайлик, барибир бир-икки қадам юрган-дан сўнг ёддан кўтариларди. Бироз вақтдан кейин реакция муаммосининг йўлини топдик. Китобга қараймиз-да, кафтга кўчирамиз. Хайриятки, ўқитувчимиз сезмайди, эҳтимол сезса ҳам ўзини сезмасликка олар... Умуман олганда, шу йўл билан кимёни ўрганардик.

(Давоми 3-бетда.)



Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

**МАЪРИФАТ,  
БАРКАМОПЛИК  
ВА САОДАТ  
МАКТАБИ**

5-бет

**БОҒЧА —  
ОРЗУЛАР  
МАСКАНИ**

7-бет

**«СЎЗ  
ҚОИДАСИДА  
ИНТИЗОМ...»**

8—9-бетлар

Глобал тармоқ хавфсизлиги:  
**КИБЕРХУРУЖЛАР  
ВА УЛАРГА ҚАРШИ  
КУРАШ**

12-бет

# ТАРБИЯ ВА МАЪНАВИЯТ ЎЧОФИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, бунда ёшларнинг масъулиятини ошириш, хотин-қизлар саломатлиги ҳақида алоҳида гамхўрлик кўрсатишга доир ҳуқуқий кафолатларни такомиллаштириш борасидаги ишлар бераётган юксак самаралар халқро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Жамиятнинг асосий бўғини сифатида оиланинг ҳуқуқий кафолатлари: унинг фаровонлигини ошириш омиллари» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шулар хусусида сўз юритилди. Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Рес-

публикаси Адлия, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазириликлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар ва экспертлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, маънавият тарғиботчилари, шифокорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов ва бошқалар фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг муносиб ҳаёт

кечириши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, баркамол авлодни тарбиялаш Президентимиз Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг пировард мақсади эканини таъкидлади.

Маънавий-маърифий соҳалардаги янгиланиш жараёнида жамиятимизнинг муҳим бўғини бўлган оила

оила давлат ва жамият муит ҳофазасида экани қатъий белгиланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилиниши мамлакатимизда оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Бунда маҳаллалар,

жамоат ташкилотларининг масъулиятини янада

ошириш, хотин-қизлар учун кенг имкониятлар яратиш, мустақил ҳаёт оstonасидаги ёшларнинг ўз саломатлиги, келажаги, оила ва жамият олдидаги масъулиятини кучайтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда қизларни эрта турмушга

узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, маънавий-ахлоқий тарбия ишларини самарали йўлга қўйиш, ёшларни миллий ҳаёт тарзимизга зид ғоя ва ахборотларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш, бунда оилалардаги муҳитни чуқур ўрганиш, ота-оналар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатида оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш, ёш авлод тарбиясига оид ишларни такомиллаштиришда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, бу борадаги амалий чора-тадбирларни мувофиқлаштириб бориш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

**Назokat УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири**

## 2012-yil — Mustahkam oila yili

институтини, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қўллаб меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларда

## НАВОИЙ ИЖОДИДАН БАҲРА ОЛИБ

Мирзо Улуғбек туманидаги 148-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Сабоҳат Тўраева 25 йиллик фаолияти давомида юзлаб болажонларнинг қўлига қалам тутқазди, ўқиш-ёзишни ўргатди. У ўқувчиларда илм-маърифат эгаллаш иштиёқи уйғонишида энг катта масъулият ўз зиммасида эканлигини бир баҳра бўлса-да, унутишни касбига, виждонига хиёнат, деб билади. Шунинг учун ҳар бир дарсини қизиқарли, фаол бир муҳитда кўргазмалли куролларга бой тарзда ўтказишга интилади.

Алишер Навоий бобомизнинг таваллуд кунлари муносабати билан ташкил этилган тадбирда ҳам муаллиманинг ўқувчилари ўз билимдонликларини намойиш қилиб, тадбир иштирокчиларининг олқишига сазовор бўлишди. Шунингдек, тадбирда ўқувчилар шоирнинг ҳаёти ва ижодига доир янги маълумотларга эга бўлдилар.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЗИЁ МАСКАНЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг пухта билим олиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини давр талаби асосида йўлга қўйиш юзасидан олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

«Маърифат маркази»да бўлиб ўтган «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун нормаларини амалга оширишнинг долзарб вазифаларига бағишланган семинарда бу алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур семинарда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, агентликлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ахборот-кутубхона марказларининг мутахассислари, маънавият тарғиботчилари, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Умаров, Алоқа ва ахборот-

лаштириш агентлиги бош директори Ҳ.Муҳиддинов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Абдуллаев ва бошқалар XXI аср талабларига тўлиқ жавоб беридаган, юксак маънавият, юқори ижодий-интеллектуал салоҳиятли шахсларни камолга етказиш, реал иқтисодийнинг барча жабҳалари учун пухта билим ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш Президентимиз Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган изчил ислохотларнинг устувор йўналиши эканини таъкидлади.

Бу жараёнда ахборот-кутубхона муассасалари ишини тубдан такомиллаштириш, уларда илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари ташаббу-

си билан 2011 йил 13 апрелда қабул қилинган «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун зиё масканлари ишини ислоҳ этиш, уларни давр талаби асосида йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда.

Мухташам «Маърифат маркази»да жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти тубдан такомиллашмоқда. Бой китоб фондига эга ушбу масканда энг зamonaviy ахборот-коммуникация технологиялари жадал жорий этилаётир. Бу ердаги нодир асарлар сақланган китоблар музейи, ўндан ортққ ўқув заллари, медиа марказ, виртуал маълумотлар хизмати зарур адабиётлардан

фойдаланишда кенг қулайликлар яратмоқда. Айни пайтда нодир адабиётлар, китобхоналар томонидан эҳтиёж катта бўлган маърифий нашрларни рақамлаштириш, электрон каталог яратиш, кутубхона ишини тўлиқ автоматлаштириш, ахборот-кутубхона муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқни янада кучайтириш ва мустаҳкамлаш, бу жараёнга билим даргоҳларидаги ахборот-ресурс марказларини ҳам кенг жалб этиш доимий эътиборда.

– Зиё масканимизда икки юз минг номдан ортққ адабиётлар сақланади, – дейди Навоий шаҳридаги вилоят ахборот-кутубхона маркази бўлим мудир Мавжуда Фафурова. – Уларнинг электрон каталогларини яратиш, китобларни рақамлаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Маърифат маркази» китобхоналар, ёшлар, бутун халқимиз учун чинакам тўхфадир. Бундай кўркам ва зamonaviy иншоотлар барчамиз, айниқса, маънавият соҳаси фидойиларини янгича ғайрат, куч ва тафаккур, алоҳида масъулият билан ишлашга ундайди.

Семинарда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида жорий этилган ахборот-коммуникация технологияларининг янги функционал имкониятларидан фойдаланиш, унинг мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорлиги, йиғма электрон каталогларни яратиш ва ривожлантириш технологияси масалаларига оид маърузалар тингланди.

**Назokat УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири**



## Ma'naviyat



# «...КЎРСАМ ЭСЛАБ ҚОЛАМАН, БАЖАРСАМ ТУШУНАМАН»

## ёхуд таълим самарадорлигини таъминлашда ўқув-лаборатория жиҳозларининг ўрни хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги ёшларимизни бу муаммолар қўймайди, чунки деярли барча мактаблар ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун жаҳон талаблари асосида жиҳозланган. Ҳар бир мактаб ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Фақатгина бир савол бор ҳоло. Ҳўш, ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар ўқув-лаборатория жиҳозларидан қай даражада унумли фойдаланмоқда?

Биз шу саволга жавоб излаб Яққасарой туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабиде бўлдик. Мактаб барча турдаги ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Кимё фани бўйича «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови голиби Дилбар Асқарова ҳам шу мактабда ишлайди. Биз унга бир-неча саволлар билан мунозабат этдик:

— Мактабимиз 2008 йили замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган. Ушандан бошлаб мактаб ўқувчиларининг билимида ўсиш сезилди. Қизиқиш шу даражадаки, кўпчилиги мактабини битириб, коллеж ва лицейларнинг табиий фанга ихтисослашган йўналишларида ўз билимларини бойитиб, ўқишни давом эттирмоқда.

— Лаборатория дарсига ўқувчиларнинг қизиқиши қандай?

— Назарияни тинглаб ёки ўқигани билан у вақт ўтгани сайин хаёлдан кўтарилиши мумкин, аммо лаборатория машғулотларининг муҳим хусусияти шундаки, ҳам эшитганлари кўз ўнгиде содир бўлади, ҳам ўтилган дарс такрорланади. Шу боис ҳар бир дарсни бевосита ҳаёт билан боғлаб олиб бораман. Масалан, рўзгор шаронтида тузнинг эриши, совуннинг кўпириши, сувнинг қайнаши... Буларни ўқувчилар улариде ҳам тажриба қилиб кўришлари мумкин.

— Бошқа пайтлари унчалик фаол бўлмаган ўқувчилар ҳам айна лаборатория жараёнларида ҳаракатга тушишад. Лаборатория машғулоти билан боғлашимиз заҳоти диққат билан нима содир бўлишини кузатишад ва жараён ҳулосасини олдиндан тахмин қилиб, фикрлай бошлашад. Зеро, тажрибада бўлаётган ҳодисалар болаларга олам ҳақида аниқроқ тасаввур беради. Элёр Бегматов, Шаҳбоз Бойтўраев, Бехзод Исмоиловни шундай ўқувчилар сафига киритиш мумкин. Улар неғадир ўқиганларидан кўра кўрганларини тез эслаб қолишад. Бунинг натижасида уларда ҳаётини кўникма ривожланади ва ўқиб-ўрганиш кўникмаси шаклланади.

— Лаборатория жиҳозларини сақлашда қай жиҳатларга эътибор қаратиш муҳим? Улар синса ёки яроқсиз бўлиб қолса қандай йўл тутасиз?

— Ҳар бир лаборатория машғулотининг самарали ўтиши учун уларни кўз қорачиқиде асраймиз. Сифати бўзилмаслиги, синмаслиги, ҳуллас яроқсиз ахволга тушмаслиги учун ҳаракат қиламиз. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, лаборатория жиҳозларини асраб-авайлаш зинҳор улардан фойдаланмаслик ҳисобига бўлмаслиги керак. 7-синфларга 16та лаборатория ва 8та амалий, 8-синфларга 13та лаборатория ва 5та амалий машғулот ўтилиши зарурлиги ўқув дастурида белгиланган бўлиб, 9-синфларга 17та лаборатория ва 2та амалий иш киритилган. Мана шу кўрсаткич ҳам лабораториянинг аҳамияти ўқув жараёни учун қанчалик муҳимлигини билдиради. Қолаверса, синфдан ташқари кўшимча дарслар, тўғрақ машғулотларида ҳам лаборатория дарсларини кўпроқ ўтишга ҳаракат қилиш лозим.

### Лаборатория машғулоти қандай ўтмоқда?

Бу саволга жавоб топиш учун Д.Асқарованинг «Тузалар гидролизи» мавзусида ўтказган лаборатория машғулотини кузатдик.

Ўқитувчи: — Қани ким айтди, гидролиз нима дегани?

— Гидролиз юнончадан таржима қилинса, гидро — сув, лизос — парчаламоқ деган маънони билдиради. Демак, тузалар гидролизи — тузаларнинг парчаланishi.

Ўқитувчи: — Биз уч хил туз оламиз. Булар: натрий карбонат ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ), алюминий сульфат ( $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$ ) ва натрий хлорид ( $\text{NaCl}$ ). Айтганча, биз турмушда қайси туздан фойдаланамиз?

Ўқувчилар: — Ош тузи —  $\text{NaCl}$ .

Ўқитувчи: — Тўғри, ҳар бу инсон кунига 5 гр. ош тузи истеъмол қилади. Буни 365га кўпайтирсак, йил давомида истеъмол қиладиган ош тузи миқдори келиб чиқади. Бу 1 825 гр.ни ташкил этади. Эътибор қаратсангиз, ташқи кўринишидан тузалар бир-биридан фарқланмайди. Уларни пробиркага соламиз. Биринчисиде, натрий карбонат, иккинчисиде алюминий сульфат, учинчисиде натрий хлорид. Энди уларга сув қўйиб эритамиз. Эриш жараёни тугагандан сўнг лакмус (эритмалар муҳитини аниқлаб берувчи индикатор)ни

оламизда ҳосил бўлган эритмага ботирамиз. Ҳўш, лакмуснинг ранги ўзгардими?

Ўқувчи: — Ҳа, кўкка айланди.

Ўқитувчи: — Энди лакмусни иккинчи пробиркага ботирамиз. Ўзгариш рўй бердими?

Ўқувчилар: — Вой, пуштиранг бўлди.

Ўқитувчи: — Учунчи пробиркага лакмусни ботирамиз, қаранглари-чи?

Ўқувчилар баварар: — Ранги ўзгармади.

Ўқитувчи: — Ким мана шу уч жараёни изохлаб беради?

Ўқувчи: — Дастлабки икки жараёнда кимёвий реакция содир бўлди, шунинг учун лакмуснинг ранги ўзгарди. Бироқ натрий хлоридга ботирилганда ранги ўзгармади. Негаки, кимёвий реакция содир бўлмади.

### Dolzarb mavzu

Ўқитувчи: — Яхши. Бу сингари реакцияларни бемалол уй шароитида ўтказса ҳам бўлади. Лакмусни қаттиққа ёки лимон сувиға ботирса, қандай тусга қиради? Бу уйда бажариш учун топириқ.

Ҳозир бу каби аниқ фанларда лаборатория ёки амалий машғулотларни ўтказишнинг ҳеч қандай муаммоли томони йўқ. Олдингидай йўқдан бор қилиб бақлашани тешибми ёки уйдан олиб келинган бирор-бир идишдан фойдаланибми «кўлбола» жиҳозлар билан лаборатория машғулоти ўтказишга ҳожат қолмади. Ёки замон билан ҳамнафас ҳолда ўтилиши керак бўлган ижтимоий фанлар гуруҳи учун ҳам кўргазмали воситалар етишмаслигининг олди олинди. Бу борада Республика таълим маркази табиий ва аниқ фанлар бўлими бошлиғи М.Тиллабоева қуйидаги маълумотларни берди:

— 2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлий дастури ижросини таъминлаш натижасида таълим муассасалари халқроқ стандартларга мос келадиган ўқув-лаборатория жиҳозлари, спорт анжомлари, компьютер техникаси ҳамда ўқув-кўргазмали воситалар билан таъминланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 ноябрдаги «Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса, умумтаълим мактаблари учун

мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ҳамда спорт анжомлари рўйхатини қайта кўриб чиқиш, жиҳозлашга бўлган талабларни тақомиллаштириш, оптималлаштирилган ДТС талаблари асосида мазмунан ва маънавий эскирган жиҳозларни замонавийлаштириш, таълимнинг илгор усуллари мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларни бойитиш эҳтиёжи қондирилмоқда.

Олайлик, хорижий тиллар бўйича инглиз тили фанидан умумтаълим мактаб дастури асосида плакатлар тўплами мавжуд эди, лекин ундаги мавзулар такрорлангани сабабли 37 номдаги, француз тили фанидан 22 номдаги, немис тили фанидан 28 номдаги плакатлар тўплами тайёрланди. Она тили фанидан таълимнинг илгор технологияларини қўллаб дарс ўтиш мақсадида ўқитувчилар учун 47 номда плакатлар тўплами яратилди. Иқтисодий билим асослари фанидан 10 номда, Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар туркумига кирувчи фанлардан 18 номда плакатлар тўплами тайёрланди ва Илмий-методик кенгаш қарори асосида таълим муассасаларида фойдаланиш учун таъбир этилди. Бу рўйхатни ҳар бир фан мисолида давом эттириш мумкин.

Демак, ўқув жиҳозлари муаммоси бартараф этилиб, амалий дарс соатлари кўпайтирилди.

### Ёш ўқитувчи: у лаборатория воситаларидан фойдалана оладими?

Юқоридагилар тажрибали ўқитувчининг фикрлари эди. Шу ўринда бир мулоҳаза пайдо бўлади. Бугунги олий ўқув юрти битирувчиси — эртанги ўқитувчи умумтаълим мактабиде бемалол лаборатория жиҳозларидан фойдаланишда қийналмайди? Биз бу хусусда Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори Дилшодбек Эргашевга мунозабат қилдик.

— Университетда битирувчилар амалиётига алоҳида эътибор қаратилади. Бундан ташқари, барча табиий фанлар факультетларига ҳамма турдаги ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилган бўлиб, талабалар бевосита тажриба ўтказишад. Ҳали талабалиғидеёқ билимларини ҳақиқий дарс, лаборатория машғулотларида тоблаган мутахассис муаммолар қаршисиде эсанқирамайди. Агар соҳада бирор ўзгариш ва янгиликлар содир бўлса, тажрибали профессор-ўқитувчи-

римиз янги илмий-инновацион технологиялар билан талабаларни батафсил таништиришад.

Фан хоналарини жиҳозлаш учун зарур бўлган мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув жиҳозлари, мосламалар ва турли кўргазмали воситаларга киритилган ўзгаришлар ҳақида А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти тингловчилари билан суҳбат ўтказилганда тингловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**А.Махмудова, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-мактаб директори, Ўзбекистон Қаҳрамони:**

— Ҳозирги кунда умумтаълим мактаблари фан хоналарига берилган мебеллар сифати, ўқувчилар ёшига мослиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, юқори синфларнинг дарсларида ССД камерали микроскопдан фойдаланиш белгилангани ўқув хонасини компьютер техникаси ва проектор билан таъминлашни ҳам талаб этди. Шу сабабли мазкур фан хоналарининг компьютер техникаси ва проектор билан жиҳозланиши айна мудоао бўлди.

Дарҳақиқат, мазмунан ва маънавий эскирган жиҳозларни замонавийлаштириш, таълимнинг илгор усуллари мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда жиҳозлар таркиби бундан кейин ҳам тақомиллаштириб борилиши табиий жараён. Буни ҳозирги кунда яроқлилик муддати тугаган жиҳозларнинг ўрнини тўлдириш бўйича Халқ таълими вазиригининг 2012 йил учун жиҳозланадиган мактаблар сони аниқланиб, кимё фани бўйича 4827та, биология фани бўйича 4827та, физика фани бўйича 6212та умумтаълим мактабларига жиҳозлар бериш режалаштирилганда ҳам кўриш мумкин.

Лаборатория жиҳозларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланилиши пировард мақсад — ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигига таъсир этаётгани уларнинг республика ва халқроқ миқёсда ўтаётган олимпиадаларда эришяётган натижаларида ҳам сезилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида дунёнинг ривожланган давлатларида ўтган табиий фанлар бўйича халқроқ фан олимпиадаларида Ўзбекистон фарзандлари — қишлоқ, шаҳар мактаблари ўқувчиларининг муносиб иштирок этгани ва фахрлий ўринларни эгаллагани ҳам кишига бир олам ифтихор туйғусини улашад.

**Насиба ЭРХОНОВА,  
Олим ЖУМАОБОВ,  
«Ma'rifa» муҳбирлари**



### ❖ Toshkentda Turin politexnika universiteti qoшидаги akademik лицейида ёшларни ўқитиш ва иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 39 академик лицей ва 79 касб-хунар коллежи мавжуд. Уларда ёшларга 134 йўналиш бўйича таълим берилмоқда. Жорий йилда 48 минг нафардан зиёд йигит-қиз мазкур таълим даргоҳларини битиради.

— Дунёда иш ўринларининг қисқариши юз бераётган ҳозирги пайтда мамлакатимизда, аксинча, янги иш ўринлари яратилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Бахтиёр Мирзонов. — Утган йилнинг ўзида пойтахтимизда 82 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди, уларнинг аксарияти қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Урта махсус, касб-хунар коллежларининг 25 минг нафардан зиёд битирувчиси мавжуд иш ўринларига жойлаштирилди. Жорий йилда битирувчилар сонининг кўп бўлишини эътиборга олиб, уларни иш билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрмоқдамиз.

### ❖ Зангиота туманидаги маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежида буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 571 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда тарихчи ва адабиётшунос олимлар, мактаб ва касб-хунар коллежларининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда Алишер Навоийнинг бебаҳо мероси қудратли маърифий қуроли бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланган. Еш авлод қалби ва онгида ватанпарварлик, юртга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини шакллантиришда улўғ аждодимиз ижодий меросидан оқилона фойдаланишга қаратилаётган эътибор замирида ҳам ана шу эзгу мақсад муҳасам.

Тадбирда коллеж ўқувчилари томонидан Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди, шоир ғазалари билан айтиладиган куй-қўшиқлар янгради.

### ❖ Поп тумани Халқобод шаҳарчасида масъулияти чекланган жамият шаклидаги поёфзал ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.

Мазкур корхона ташкил этиш учун 152 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилди. Хитойдан келтириб ўрнатилган, йилга 300 минг жуфт поёабзал ишлаб чиқариш қувватига эга замонавий ускуналар ёрдамида ушбу корхонада спорт поёабзаллари ва аёллар шиппаклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тез орада бу ерда тайёрланаётган импорт ўрни-и босувчи сифатли ва ҳушбичим поёабзаллар ички бозорга чиқарилади.

Янги корхонада йигирмага яқин киши доимий иш билан таъминланди.

### ❖ Навоий давлат қончилки институтида «Биохилма-хилликни муҳофаза қилишда сувли-ботқоқли ҳудудларнинг аҳамияти» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг Навоий вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати тизими вакиллари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимиз ва Навоий вилоятидаги сувли-ботқоқли ҳудудларнинг бугунги ҳолати, уларни муҳофаза қилиш тарбияти ва янгича ёндашувлар, биохилма-хилликни асрашда Тўдақўл ҳамда Қуйимзор кўлларининг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

## ШОИР ИЖОДИ — МАЪНАВИЯТ МАНБАИ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида маънавият бўлими ва ўзбек адабиёти кафедраси ташаббуси билан Навоий таваллудининг 571 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда институт талаба-ёшлари, Қорақалпоғистон ёзувчилар ижодий уюшмаси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда Навоий каби улўғ аждодларимизнинг бой меросини халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, улар қалбида юртимиз ўтмиши ва келажагини гурурланиш туйғусини

уйғотиш асосий вазифалардан бири эканлиги таъкидланиб, институтда бу борани ишлар янада мукамаллаштирилиб борилиши зарур экани қайд этилди.

«Хамса» — маънавият кўзгуси», «Навоий ижодиди маънавий қадриятлар талқини», «Навоий асарларида таълим-тарбия масалаларининг улуғланиши» ва «Муҳомадат ул-луғатайн» аса-

рида адабиётшуносликка доир масалалар» мавзуидаги маърузаларда улўғ шоир ҳаёти, ижоди ва фаолиятини янада мукамал ўрганиб, тадқиқ этиш, адабий меросини келажак авлодга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Тадбир доирасида талаба-ёшларнинг Навоий асарлари асосида тайёрланган бадиий чиқишлари намойиш этилди.

**Айсулу ДИЛЬМАНОВА,**  
Ажиниёз номидаги НДПИ табиатшунослик факультети талабаси

## НУРЛИ СИЙМОЛАР

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида буюк шоирлар, мутафаккир Алишер Навоий ҳамда шохқанди шоирликни устун қўйган, Ватан ишқиди ёниб иход этган Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудларига бағишлаб, «Нурли сиймолар» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. ТШПҚҚТМОИ ректори, профессор Ҳамидулла Йўлдошев бундай тадбирларни курс тингловчилари учун ташкил этиш аънавага айланиб қолганини таъкидлади. Ўзбекистон халқ шоири Сирождин Сайиднинг ўтли шеър ва мухаммаслари, «Бешиқлардан тушиб болалар Навоийни ўқиши керак»лиги мавзусидаги маърифий суҳбати барчага катта маънавий озиқ берди. ЎЗМУ профессорлари Қозоқбой Йўлдошев, Нур-

бой Жаббор, навоийшунос олим Абдумурод Тилолов, шоира Мунаввара Усмонованинг буюк боболаримизнинг ижоди, уларнинг халқ манфаатлари йўлидаги эзгу ишлари, тарихчи олим Хондамирнинг «Мақоримул-ахлоқ» асари, чет эллик олимларнинг бу зотларга юксак эътиқоди ва муҳаббати ҳақидаги фикр ҳамда хотиралари мароқ қиладиган тингланди. Шунингдек, ТШПҚҚТМОИ тиллар кафедраси ўқитувчиси Феруза Муҳаммедова ва Навоий ва Бобур ижодига оид ўзи яратган мультимедиа дарсларини намойиш қилиб, улардан машғулотларда фойдаланиш усуллари билан таништирди. Анжуманга Яққасарой туманидаги 91-мактаб ўқувчилари ижро этган ғазаллар ҳам ажиб файз бағишлади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА

### Олмазор туманидаги 298-умумтаълим мактабида Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан «Буюкларни ёд этиб...» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Республика таълим маркази ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, навоийшунос олимлар ҳамда она тили ва адабиёт фани методистлари, ёш педагоглар иштирок этди.

Тадбирда комил инсонни тарбиялаш, тафаккурини ривожлантириш, уни шахс

сифатида шакллантириш ҳамда қалбига олийжаноб фазилатларни жо этишда Навоий ва Бобур асарлари бекиёс кучга эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Уларнинг ижодини теранроқ англаш ўзбек халқининг тарихи, маданияти, қалб эҳти-ёжлари, ўзлигини англаш ва ҳис этиш билан ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон Миллий университети филология фа-

культети профессори Баҳодир Каримовнинг «Навоий — инсон қалби меъмони», Республика таълим маркази раҳбари Ислам Зокировнинг «Навоий ва Бобур ижоди — баркамол авлод нигоҳида», марказнинг филология фанлари бўлими методисти Комила Усмонованинг «Навоий асарлариди инсоннинг маънавий олами ва олийжаноб фазилатлар талқини» номида маърузаларини тадбир иштирокчилари қизиқиш билан тинг-лашди.

Азима ҚИЁСОВА,  
«Туркистон-пресс»



Юнусобод туманидаги 17-умумтаълим мактабида ўқувчилар иштирокида диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга бағишланган «Огоҳликка даъват» мавзусида очик дарс ўтказилди. 7-синф раҳбари Мавлуда Раҳимова томонидан олиб борилган ушбу ноънаванавий машғулот эркин мулоқот тарзида ўтди ва ўқувчилар мавзу бўйича ўзаро савол-жавоб қилдилар.

Дарс давомида ўқитувчи Юрбошимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобидан мисоллар келтириб, ўқувчи-ёшларга мустақилликка ўз-ўзидан эришилмаганлигини, бугунги кунда олиб борилаётган ислохотларни чуқур англаб этиш, бунинг учун эса, пухта билим эгаллаш лозимлигини тушунтириб берди.

Суратда очик дарсдан лавҳа акс этган.

Одамзод ўзи ҳақида ўйлашдан тўхтаसा, яшашдан ҳам чекинади. Бани башарнинг фитратига хос янгилашишга интилиш, кулай шарт-шароитга эришиш ва ўз «менини намоеён этиш учун кураши туфайли бугунгидек тараққий кунларга эришилди.

«Маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққийёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдига қўйилади-ган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади», деб таъкидлайди Президентимиз Ислам Каримов. Маънавият инсонни инсон, миллатни миллат қила-

мамлакатларида шоир асарлари турли тилларда нашр этилмоқда, бадий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган халқаро конференциялар ўтказилмоқда. Токио, Москва, Боку шаҳарларида Навоий бобомизнинг муаззам ҳайкаллари қад ростлаб турибди. Буларнинг барчаси улуг шоир асарлари нафақат ўзбек халқининг, балки бутун инсониятнинг маъна-

адолат, вафо, муҳаббат каби азалий ва абадий эзгу тушунчалар билан риё, эътиқодсизлик, ҳасад, кибр каби инсон маънавиятга ҳамшиша соя солиб келган иллатларнинг абадий кураши тасаввур ва тафаккурнинг энг юксак мақомида ифодаланган. Одам учун ҳаётнинг барча сўқмоқлари эслатилади, инсоний камолотга элтидиган энг яқин йўлларгина тавсия қилинган.

Улуг шоир йиғитликини "умр гулшанининг баҳори ва ҳаёт шабистонининг наҳори" деган э, ёшлиқда икки дунё сарозига эришиш учун мустаҳкам

бебақо нарсага муҳаббат боғламайди, бир лаҳзалик дунёвий истакларига қул бўлмайди. Га-вахар балчиққа тушгани билан қийматини йўқотмайди. Ажабки, қуёш бир текис нур сочсада, саҳрода тикан, бўстонда гул битади.

Булут ёмғир ёғдириб, яратиларга баҳраю нафъ етказмаса, унинг осмонни қалин тутун билан қоплаганидан маъно йўқ. «Режа чекмай зеб берилган боғ» чангалзордан фарқсиз. Таҳаммул (сабр-чидам) билан ғура ҳалвога айланади, тақалла (сўхбат) билан кимса инсонлик даражасига эришади.

Сахийлик — комилликка эл-тажак йўл. Бироқ бугун баъзи тўй-ҳашамлардаги исрофгарлик томошаларини, моддий бойлигини кўз-кўз қилишга муккасидан кетишларни кўриб, улуг шоирнинг "ёяр анга суфраки — ул оч эмас, берур анга тўнки — яланғоч эмас", деган ҳикмати эсга тушади. «Улки эл кўрмагунча бермас — лаимдир (ҳасис, очкўз ва пасткашдир), сахий эмас. Тилаб берганини ҳам саҳадан йироқ бил; ибром (қистов) билан бергандан бермаганини яхшироқ бил. Битта ўтмакни (нонни) икки бўлуб, ярмин бир очга берганини сахий де; ўзи емай барин муҳтожа берганини ахий (жавонмард) де», дея уқтиради Навоий.

«Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмамон», деган улуг бобомиз эл шод, мамлакат обод бўлиши учун, аввало, одамзод ўз борлиғидаги «ҳирсу ҳавс хирмонини барбод, «нафсу ҳаво қасри»ни барафтод этиши (ағдариши) лозимлигини, шам каби ўзи ёниб борлиққа равшанлик бахш этган инсон бошдан-оёқ нурга (бунёдкорлик раҳматига) чулғонишини таъкидлайди:

**Шамъки, тузук била  
масрур ўлур,  
Гарчи куяр, боштин-аёқ  
нур ўлур.**

Бу сатрлар қайси замон ва маконда янграмасин, инсонга ахлоқ, дид, эътиқод, тасаввур ва тафаккурнинг энг эзгу ғояларидан, ҳар қадамда фидойий бўлиш ва маънавий жасорат ҳисси билан яшаш саодатидан сабоқ беради.

— Ўз келаҳагини мустаҳкам пойдевор устига қуришни, жаҳонда эртага ҳам ўз ўрнига, сўзига ва муносиб ҳаёт тарзига эга бўлишни истаган халқ ҳамшиша миллий маънавият муноҳазаси йўлида курашади, — дейди Аlisher Navoiy номидаги Самарқанд давлат университети қошидаги академик лицей директори, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибни Файбиддин Фазлиев. — Навоий мероси бизни аввало ота-боболаримиз йўлини муносиб давом эттиришга, ҳамшиша эзгулик яловини маҳкам тутишга, маънавий камолот ва саодатга интилиб яшашга ўргатади.

Дарҳақиқат, маънавиятга таянган инсон икки дунё саодатига эришади, умуммиллий қарашлар тизимини ҳаёт дастурига айлантирган миллат абадул-абад ўзининг қимлигини англаб, ўзгаларга ҳам англайтиради. Улуг шоир бобомиз ҳам илм эгаллашни икки жаҳон шохлиғига мушарраф бўлишга тенг кўраркан, «қуёшлик истасанг, касби камол эт», дейди.

...Ҳаёт давом этар экан, инсон ҳам тасаввур ва тафаккурнинг ҳали забт этилмаган қўриқлари томон интилаверади. Қадриятлар шаклан эврилиб, онгу шуур янгиланаверади. Бироқ ҳар қандай замон ва маконда ҳам Аlisher Navoiyнинг боқий мероси халқимиз учун маърифат, баркамоллик ва саодат мактаби бўлиб қолаверади. Зотан, шундай теран томирлардан сув ичиб улғайган, ўз тақдирини миллат тақдирини билан боғлаб яшайдиган ўйлиқларни бор халқнинг маънавияти бутун, келажаги буюк, йўли ойдин бўлади.

**Умид ЁҚУБОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси**

## Alisher Navoiy tavalludining 571 yilligiga

# МАЪРИФАТ, БАРКАМОЛЛИК ВА САОДАТ МАКТАБИ

диган бекиёс куч, бинобарин, унинг юксалиши ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг давр синовларида қандай товланишига, онгу қалбимизда қандай акс-садо беришига, ҳар қандай вазиятда ҳам миллий қиёфализни беэволат сақлашимизга боғлиқ.

Тобора тараққий этаётган бугунги даврда ҳам комиллик манзилига элтажак ҳаётнинг мураккаб йўллари қаршида дуч келадиган ҳар қандай саволларимизга замон ва макон билмас миллий меросимиз хазинасидан жавоб топамиз. Аlisher Navoiyнинг улмас бадий ҳаётининг тарихини бир-бирига қўйиб, бу эзгу ишлар бир қатор мамлакатларда мисли кўрилмаган табиий офатлар, оммавий очарчилик, фуқаролар моҳаролари давом этаётган, қўллаб ривожланган давлатлар глобал молиявий инфироз асоратларини бартараф этишга беадад куч сарфлаётган, «оммавий маданият» таназуули инсон маънавий таълимлари тобора емираётган бир пайтда амалга оширилган — Ўзбекистондаги тинч-тотув ва фойдали ҳаётни, халқимиз ҳамшиша таълим-тарбияга катта эътибор қаратиб, эзгулик ва маърифатга интилиб яшаганини, бу фазилатлар бугунги авлодлар ҳаётида ҳам ўз ифодасини топаётганини бутун дунёга кенг намойиш этди.

— Бугун биз, ёшларнинг энг замонавий талаблар даражасида билим олишимиз, асарлар синовидан ўтган кадрларнинг тарбиясида асосида тарбия топшишимиз учун кенг имкониятлар яратилгани жаҳонда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод сифатида вояга етишимизга хизмат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Аlisher Navoiy номидаги давлат стипендияси соҳибаси Нилуфар Шавкатова. — Навоий бобомиз асарлари аввало она тилимизга ҳурмат, хориж тилларини ўрганишга рағбат уйғотади. Инглиз тилининг замон категориялари таълимга бағишланган бакалаврлик дипломи ишимни инглиз тилида тайёрлашган.

Ҳа, халқимизнинг онги ва тафаккури, бадий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган Аlisher Navoiyнинг маънавий мероси — миллий қувват манбаи, баркамоллик ва саодатга элтувчи мangu ибрат мактабидир. Буюк шоир асарларида инсонийлик, ҳалоллик, мардлик, қаноат,

пойдевор яратиш лозимлигини уқтиради. Баҳор — яралиш, табиат ва инсон қалбининг янгилаши фасли, тонг эса янги кун ибтидосидир. Моҳиятан шабоб (ёшлик) айёми ҳам ўз ҳаётини мезонларини шакллантириш (манзил ва йўл танлаш), жамиятдан ўрин эгаллаш (муайян касб-хунар эгаси бўлиш, ҳалол меҳнати, покиза тутумлари ва ибратли амали билан эл-юрт сафига қўшилиш), моддий ва маънавий мустаҳкам салохиятга эга бўлиш давридир. Кексалик — чўмичнинг қозондан кўтарилиш палласи, меҳнатнинг баракасини кўриш лаззати. Ҳосил эса албатта қилинган меҳнатга яраша бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йил мамлакатимизда Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди. Аслида халқ ҳам катта бир оила, айни пайтда оддий оила шу халқнинг узвий ва мустаҳкам бўғинидир. Инсон миллати, дини, ёшию касб-хоридан қатъи назар, барибир, жамиятдан айри яшолмайди. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, «фард киши даврда топмас наво (ҳаловат), ёлғуз овучдин (кафатдан) ким эшитмиш садо».

Одамзод туфайли вақт ўз мазмунига эга. Мангу Имтиҳонда илми билан қўтилажак фаришталару илмсизлиги туфайли тугилмайдиган ҳайвонлар барчасига ўз вақтида улғуради. Яратилар гултоба: эса вақтга таъсир кўрсатеди: ё илгарилаб кетади ёки кеч қолади. Инсон учун ҳар қандай вазиятда ҳам оқловнинг ўзи йўқ. Чунки унга ақл, туйғу, фаҳм-фаросат ва энг муҳими... танлаш имконияти берилган. Шоир наздида азиз умрини уйқу, ишрат ва гафлат билан ўтказиб қимсаларнинг, ҳатто сояси ҳам эгри, улуг ўзига ипақдан қафан тўқийтган пилла қурти кабудир. Ҳар лаҳзани ортага қарамайдиган даражада яшаган инсоннинг тақдир тадбирига мос келди.

Аlisher Navoiy «бу дунё — ҳўла карвонсарой, карвонлар кўли тўхтаб улғурмасдан кўчиш ногораси чалинади», дейди. Аслида ҳам ақли расо одам

ўз манфаатини эл-юрт равнати билан бирлаштириш, ён-атрофдаги муваффақиятларни ўз ютуғи, камчиликларни эса ўз муаммоси деб билиш, ўзига лойиқ билганини элдошларига ҳам раво кўриш — юксак инсоний фазилатлар қаймоғидир:

**Нафъинг агар халққа  
бешақдурур,**

**Билки, бу нафъ,  
ўзунга кўпрақдурур.**

Аlisher Navoiy наздида ҳам иймон, шарқона қарашлар тизимига ҳамроҳ равишда, сўз ва амал бирлигидир. Илм ўрганиб унга амал қилмаган кимса экин экиб, ҳосилининг ҳузурини кўрмаган кабудир. Бахиллик (шахсий манфаат чегарасида қолиш), ҳавойилик (нафс истакларига кўниш, саробга алданиш, ёвузлик калити билан гуноҳ дарвозасини очиш), манманлик (нафсга қулик намойиши) киши умрининг қотилдир. Ўз умри биносини ҳаё (ботиндаги «мен» олдидан жавобгарлик масъулиятини ҳис қилиб яшаш), вафо (қўнғил ва ақл танлаган йўлдан юришга аҳд қилиш, ҳар қанақа вазиятда ҳам виждонни олий ҳакам билиш) ва саховат (таъмасиз меҳр-қўриқат, миннатсиз муруват кўргизиш) асосига қурган инсон иймонлидир.

Гул гўзал кўрингани билан тикансиз эмас: одамзодга ўз нафси билан курашиш — азалий қисмат. Нафс ҳамшиша одамзодни бузуқ хаёллар ва охири вайл (мангу азоб) амаллар кўчасига етаклайди. Сулаймон пайгамбар айтганидек, ўз нафсини синдириб, тарбиялаб олган одам яққа ўзи бир шаҳарни забт этган жангчидан ҳам қучлироқдир. Ҳазрат Навоий «отаннинг ғанимини дўст тутма» дер экан, оловни тулрок, нафси сабр (мавжудликдаги ирода қудрати, қаноат лаззати, шубҳасизлик инояти) билан энгши мулкнингини айтади. Олам ўзгариши учун, аввало, одам, унинг қалби, мезонлари ва дунёқараш янгилашиши лозимлигини таъкидлайди:

**Ўз вуждунга  
тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсен,  
ўзундан истагил.**

# BAG'RIKENG O'LKANING BOYLI

## Bir soatlik dars

**Mavzu:** Toshkent iqtisodiy geografik rayoni xo'jaligi (8-sinf).

### Darsning maqsadi:

**ta'limiy:** o'quvchilarga O'zbekiston xalq xo'jaligida Toshkent iqtisodiy geografik rayonining tutgan o'rni, rangli metallurgiya markazi ekanligi, iqtisodiy rayon sanoatining rivojlantirishiga ta'sir etuvchi omillar haqida tushuncha berish;

**tarbiyaviy:** ularda tabiiy boyliklarni ko'z qorachig'iday asrash, bir-birlariga o'zaro hurmat, jamoa bo'lib ishlash va berilgan vazifani bajarishda mas'uliyat sezish ko'nikmalarini tarkib toptirish;

**rivojlantiruvchi:** o'quvchilarni mustaqil ishlash, ijodiy izlanish orqali bilim olishga, xotirani mustahkamlashga, tez fikrlash, fikrni aniq ifodalashga o'rgatish, nutq madaniyatini o'stirish.

**Darsning jihozi:** O'zbekiston siyosiy xaritasi, 8-sinf o'quv atlas, "Toshkent iqtisodiy geografik rayoni" o'quv filmi, 8-sinf geografiya darsligi, tarqatma materiallar.

**Texnik vositalar:** kompyuter, slaydlar.

**Dars tipi:** aralash.

**Dars turi:** noan'anaviy.

**Dars metodlari:** "Aqliy hujum", "Kichik guruhlarda ishlash", "Klaster", "Xotirani sinash", "To'g'ri top!" usullari, "Shartli belgilarni bilasizmi?" o'yini.

### Dars rejas:

1. O'qituvchining kirish so'zi.
2. Guruhlarga bo'linish.
3. Biz bilgan bilimlar (o'tilgan mavzularni mustahkamlash).
4. Yangi dars bayoni.
5. "Toshkent iqtisodiy geografik rayoni" o'quv filmi namoyishi.
6. Xotirani sinash mashqi.
7. Venn diagrammasi.
8. Guruhlar taqdimoti.
9. Mavzuni mustahkamlash.
10. O'quvchilarni baholash.
11. Uyg'a vazifa.

### Tashkiliy qism:

O'quvchilar quyidagi guruhlariga bo'linib, stollarga o'tirishadi:

### I guruh — Konchilar;

### II guruh — Metallurglar;

### III guruh — Energetiklar;

### IV guruh — Mashinasozlar.

Tashkiliy qismdan so'ng o'quvchilar bilan birgalikda guruhlarda ishlash uchun amal qilinishi lozim bo'lgan qoidalar ishlab chiqiladi.

Darsda barcha shartli bo'yicha har bir guruh a'zolari javoblari turli shakllar bilan rag'batlantirib boriladi. Jumladan, intizom, faollik, vaqtga rioya qilish, mantiqli fikr bildirish, aytilgan fikrni takrorlamaslik, o'zaro hurmat, o'ng qo'l qoidasi, to'g'ri javob uchun kabi jihatlari e'tiborga olinadi.

Guruhlariga tekzor savollar beriladi. Har bir to'g'ri javob egasi rag'bat sifatida ramziy globuschalarga ega bo'ladi.

Ma'lumki, 8-sinfda O'zbekiston viloyatlari alohida o'rganiladi.

**I guruhga viloyatlarning aholisiga oid savollar beriladi:**

1. Qaysi viloyatda eng ko'p aholi yashaydi?
2. Qaysi viloyat aholisining katta qismi tog'li hududlarda istiqomat qiladi?
3. Qaysi viloyatda aholining joylashuvi nisbatan siyrak?
4. Qaysi viloyat aholisi milliy tarkibida o'zbeklar salmog'i eng ko'p?
5. Qaysi viloyatda aholi juda zich bo'lib, 1 km<sup>2</sup> ga 500 kishidan ortiqdir?

**II guruhga viloyatlarning sanoatiga oid savollar beriladi:**

1. "ISUZU" avtobuslari qaysi viloyatda ishlab chiqariladi?
2. Qaysi viloyatda mahalliy xomashyo asosida ishlaydigan "O'zbekiston—Gretsiya" qo'shma korxonasi — gugurt zavodi qurilgan?
3. Qaysi viloyatda Tollimarjon GESi qurilgan?
4. Qaysi viloyatda yengil avtomobillar ishlab chiqariladi?
5. Qaysi viloyatda qora metallurgiya kombinati joylashgan?

**III guruhga qishloq xo'jaligiga oid savollar beriladi:**

1. Qaysi viloyat qorako'lchilik bo'yicha O'zbekistonda birinchi o'rinda turadi?
2. Qaysi viloyatda yilqichilik rivojlangan?
3. Qaysi viloyatda eng ko'p sholi va urug'lik beda yetishtiriladi?
4. Qaysi viloyatda eng ko'p meva va mayiz yetishtiriladi?
5. Qaysi viloyatda sabzavot va poldizchilik eng faol tarmoq hisoblanadi?

**IV guruhga viloyatlarning transport geografiyasiga oid savollar beriladi:**





1. Qo'ng'iro't-Beynov temir yo'li respublikamizni qaysi davlat bilan bog'laydi?
2. Qaysi viloyatlar hududi orqali Katta O'zbek trakti avtomobil yo'li o'tgan?
3. Qaysi viloyat orqali Hind okeaniga chiqish oson?
4. "Daryo floti" tushunchasi qaysi viloyatlar uchun xos?

**Yangi dars bayoni** "Toshkent iqtisodiy geografik rayoni" o'quv filmi tomosha qilishdan boshlanadi.

Filmdan so'ng o'quvchilar xotirani sinash mashqi orqali eslab qolgan sanoat markazlarini oldilaridagi qo'g'ozga yozadilar, eng ko'p yozgan guruh g'olib hisoblanadi.

Shundan so'ng o'qituvchi yangi mavzuni qisqacha bayon qilib beradi.

**Venn diagrammasi.** Bu usulda o'quvchilar berilgan Toshkent, Olmaliq, Chirchiq, Angren, Yangiyo'l, Bekobod shaharlarining o'xshash va farqli tomonlarini yozib chiqishlari kerak.



"Shartli belgilarni bilasizmi?" usulida o'quvchilar yozuvsiz xaritaga viloyat foydali qazilmalarini tushiradilar. Belgilangan vaqtda to'g'ri va ko'p tushirgan guruh g'olib bo'ladi.

### Ajratish usuli

Bu usulda bir necha viloyatlarga oid savollar aralashtirib beriladi. O'quvchilar shu guruh ichidan o'zlarining guruhiga tegishli viloyatlarga oid gaplarni oldilaridagi qo'g'ozga yopishtiradilar. Bizning misolda Navoiy, Farg'ona, Samarqand, Toshkent viloyatlariga oid so'zlar berilgan.

1. Respublikamizdagi hududiy jihatdan eng katta viloyat.
  2. Mamlakatda sement mahsulotining asosiy qismi ishlab chiqariladi.
  3. Chinni va ipak matolari bilan mashhur.
  4. 9ta shahari bor.
  5. Yalpi sanoat mahsuloti ishlab chiqarishda Toshkent viloyatidan keyingi o'rinda turadi.
  6. Viloyat kimyo zavodi rezina shinalar ishlab chiqaradi.
  7. Choy qadoqlash fabrikasi bor.
  8. Sun'iy tola yetkazib beruvchi kaprolaktan zavodi shu viloyatda joylashgan.
  9. Mamlakat rangli metallurgiya sanoati mahsulotining asosiy qismi tayyorlanadi.
  10. Neft va neft-kimyo sanoati mashinasozligi rivojlangan.
- Bunda o'quvchilar o'zlariga oldindan belgilangan mavzuga oid topshiriq bo'yicha mustaqil ravishda taqdimot namoyish qiladilar.
- Guruhlar taqdimoti.**  
**O'quvchilarni baholash.**  
**Uyg'a vazifa:** Muhim sanoat obyektlarini yozib kelish.

**Sabohat BERDIYEVA,**  
Toshkent shahridagi  
213-maktab o'qituvchisi

Beqam bolalik damlarimizda bizga t'g'ri i'yl k'rsatgan, qalbi-mizga mekr-mu'habbat, odob va ez-gulik urug'larini sochgan qadrli inson bu — ustoz. Bir necha kundan beri mana shunday ulug' insonlardan biri bilan su'xbatlashishni k'nglimga tugi'b k'ygandim. Bugun mana shu xayrli ishning mavridi kelgandir, chamamda.

Shu maqsadda maktab ostonasiga qa'dam bosib, sinf xonalarini bir-bir k'zdan kechirdim. Va, top-dim. — "1-sinf" deb e'zib k'uyil-gan e'zhikka yaqinlashib, ichkariga asta qa'dam bosdim. Mene iuzlari-da kuvonch va mekr nuri porlagan a'el kutib oldi. Bu men izlagan in-son, ustoz Parsha-gul U'razboeva edi.

## ЯХШИ ЎҚИТУВЧИ

### ёхуд ўқувчининг танлови

Ёшлигидан қаҳраонимиз Паршагул муаллима бўлишни орзу қилар эди. Уни кўнглидаги ҳақиқий орузи — устоз бўлиш истаги бир зум ҳам тарк этмади. Бу йўлда бир қанча босқичлардан ўтиб, ҳозир бошланғич синф ўқитувчиси деган шарафли ва хайрли касб эгаси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

— Нукус шаҳридаги 31-мактабда дарс беришни бошладим. Институтни тамомлаб келганимдан сўнг менга алоҳида синф берилди. Дарров синф оқишида бироз иккиландим, ёш ўқитувчидан бу катта масъулиятни талаб этар эди.

Лекин орта бир қадам ҳам чекинмаган қаҳраонимиз устозлари ўргатган билим ва педагогик маслаҳатларни ёдда тутган ҳолда ўз ишига қўнг билан киришиб кетди. Тажриба тўплаб, мана бир неча йиллардан бери бошланғич таълим ўқитувчиси сифатида ишлаб келмоқда.

— Фарҳод исмли болани отаси мен ўқитаётган синфга олиб келди, — дея эслайди Паршагул. — Бир-икки ой ўқигандан сўнг отаси баъзи бир сабабларга кўра уни бошқа синфга ўтказмоқчи бўлди, лекин ўз фикрида қатъий туриб олган Фарҳод бунга рози бўла қолмади. Унинг ўқишга бўлган интилиши жуда кучли, дарсларга фаол қатнашар эди. Қайсарлик қилиб, у меннинг синфимда ўқишда давом этди. Отаси ҳам, онаси ҳам унинг бу ҳаракатларини кўриб уни бошқа синфга ўтказмасликка қарор қилишди.

Мен шу пайтда кичкина бола бўлса ҳам ўқувчининг ўз олами, ўз ўйлари бўлишига, унга берафқ бўлмаслик кераклигига яна бир марта ишонч ҳосил қилдим. Устоз қандай бўлишига қарамай, қандай кайфиятда бўлмасин биринчи навбатта ўқувчисига, унинг тарбиясига, билимига, интизомига катта эътибор бериб, сабр билан болаларни тарбиялаши, уларнинг ҳар бири билан дўст бўлиши даркор. Сабаби, ҳар бир ўқувчи ўзга бир олам, ўзга бир дунё. Биз бу дунёга кириб, уни эзгу фикрлар, эзгу фазилятлар билан тўлдиришимиз зарур.

Шу билан бир қаторда Паршагул она ёш педагог кадрларга ўз ёрдамини аямасдан, янги технология асосида дарсларни қизиқарли қилиб ўтишлари учун зарур маслаҳатларини бериб келмоқда. Бу борада «Устоз-шоғирд» дастури унга қанот бўлмоқда. Шу каби шоғирд ўқитувчиларидан К.Эсбегонова, В.Сарибоева ва Қ.Сейтжановни айтиб ўтасак арзийди.

Биз кимдан сўрамайлик, у ўқитувчи бўлсин ёки ўқувчи, Паршагул ҳақида айтганимизда яхши гапларни гапирдан чарчамайди. Тинимсиз изла-нишлар самараси ўларок, Паршагул устоз бир қанча ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида, «Очиқ дарслар фестивали»да голиби бўлди. Шу йили 1 октябрда у «Қорақалпоғистон Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

**Анар ЖАҚСИМУРАТОВА,**  
Ўзбекистон давлат санъат  
институтини Нукус филиали  
ўқитувчиси

Ўқитувчи сифатида 40 йилдан ортиқ ишлаб, таълим соҳасидаги бир-биридан кескин фарқ қиладиган икки даврни бошдан кечирдим. Биринчиси, собиқ иттифоқнинг буйруқбозлик сиёсати оғир кунларига тўғри келган бўлса, иккинчиси, мустақиллик — бунёдкорлик даври бўлмоқда.

Бу даврларни таққослаб, истиқлолнинг ўтган қисқа 20 йили мобайнида таълим тизими, айниқса, ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти, маънавий-ахлоқий тарбиясида юксак эврилишлар юз бераётганини англаш қийин эмас. Буни фарзандларимизнинг илмфан, спорт соҳаларида эришаётган натижаларида яққол кўришимиз мумкин. Ушбу йўналишлар бўйича жаҳонда тенгсизлигини намойён этаётган ўғил-қизларимизга бугун дунё тан бермоқда.

Албатта, бундай муваффақиятларга эришиш ўз ўзидан бўлгани йўқ. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури" ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таълим ти-

зимининг узлуksизлиги таъминланиб, ўқув муассасалари моддий-техник базаси жаҳон стандартларига мос ҳолга келтирилди. Бу ислохотлар асосида таълим

тизими мазмунан такомиллашиб, сифат жиҳатдан ўсиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бугун мамлакатимизнинг қайси бир ҳудудига борманг, бунёдкорлик ишларига, янги-янги таълим-тарбия масканлари қад ростлаётганига ғувоҳ бўласиз.

Биз ўз болалигимиз билан фарзандларимиз, набираларимизнинг болалик наларини таққослаб кўрсак, уларнинг нақадар имкониятлари кенг эканини кўраемиз. Бу имкониятларни,


неъматларни ўзларига танитгимиз, бу шaroитлардан вақтида фойдаланиб, дея уларни дадилликка ундаймиз.

Қишнинг қаҳратон кунлари совуқ ва қоронғу хоналарда таҳсил олдик. Вақти келиб ана шундай шaroитларда ўқувчиларга дарс бердик. Мактаб жиҳозлари ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади. Баъзан печлардан чиққан тутундан хонамизда

роз билдира олмайди, хафа бўлма", деган эди. Аммо менда ўша фанга

нисбатан ҳам, ўқитувчига нисбатан ҳам салбий таассурот уйғонганди. Айрим ўқитувчилар ўзининг билимсизлигини яшириш учун ҳам зулм ва зуғумга зўр берган пайтларни кўрдик.

Ҳозир эса педагогларимиз орасида ўқувчиларга нисбатан дўстона муносабат ўрнатишга аҳамият қара-

**Kecha va bugun** 

сир қилиши табиий.

Мустақиллик йилларида, айниқса, бола иқтидорини эрта аниқлаш, уни қўллаб-қувватлашга эътибор ортди. Иختисослаштирилган мактаб-интернатлар фаолиятининг кучайтирилганлиги, академик лицей ва касбухона коллежларида барча ўқувчилар ўз қизиқиш ва иқтидорларига кўра билим ва ҳунар ўрганаётгани фикримизнинг исботидир. Бундан ташқари, ёшларимизнинг таълим муассасаларида дарсдан сўнг турли хил тўғаракларга катнаб, ўз билим ва маҳоратларини ошираётганларидан кўз қувонади.

Бугунги кунда биргина қишлоғимизнинг ўзидан 200 нафардан ортиқ ўғил-қиз турли олий ўқув юртиларида таълим олмақда. Тинчлик ва осойишталикнинг меваси, юртимизда таълим-тарбияга эътиборнинг ҳосиласи эмасми булар?!

**Абдухалил РАҲМОНОВ,**  
Яккабоғ туманидаги  
10-мактаб ўқитувчиси,  
Халқ таълими аълочиси

## ОСОЙИШТАЛИК МЕВАСИ

дарс ўтишининг имкони бўлмай қоларди. Айрим қишлоқларда мактаблар умуман йўқлиги боис, болалар қўшни ҳудудларда жойлашган мактабларга билим олиш учун 8—10 км. масофани чанг, лой йўллардан пиёда қатнаб ўқирди.

Бугун нафақат шaroит, балки ўқувчиларга нисбатан муносабат ҳам ўзгарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир ўқитувчимиз менга ноҳақ кўл кўтарганди. Кейин у "Сен менга қариндошсан, сени жазоласам, бошқалар эъти-

тилмоқда. Чунки ҳар бир муаллим мактаб партасида ўтирган ўқувчи фақат буйруқни бажарувчи қандайдир "темир механизм" эмас, жонли, онгли, ҳис-туйғуга бой олий мавжудот эканини унутмайди. Табиийки, уларнинг феъл-атвори турфа. Кимнидир дарсга қизиқтириш учун озгина рағбат кифоя қилса, бошқасига талабчанроқ бўлишга тўғри келади. Аммо қаттиққўллик қиламан деб, кўполликка йўл қўйилса, ўқувчига бутунлай тесқари таъ-

# БОҒЧА — ОРЗУЛАР МАСКАНИ

Мехриноз тенгқурларига нисбатан сўзамол, гапга чечан, ўзини туттиш ва қобилияти билан ажралиб турарди. Айниқса, эртак айтишга, шеър ўқишга тинга эди. Ҳатто у шеър ўқиганда тарбиячилар ҳам маза қилиб тинглашарди. «Сендан келажақда зўр шоира чиқади», — дея уни барига босганча суюб эркаларди боғча опаси Зоҳидохон Ризаева.

— Бола тарбияси жуда нозик масала, — мулоҳаза юритади Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси мактабгача таълим муассасалари бўлими мутахассиси Зулфия Нажмидинова. — Бу даврда улар характеридagi ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор бериш керак. Масалан, боғча тарбияланувчилари музиканинг сеҳрли оламидан баҳра олишади, жисмоний тарбиядан бошлангич таълимга эга бўлишади. Бу эса болажонлар онги-шуурида эзгу фикрлар куртак отиши билан биргаликда, соғлом ва бақувват бўлишларини таъминлайди. Шу боис ҳам юртимизда таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлаш борасида дастлабки эътибор боғчаларга, мактабгача таълим муассасаларига қаратилаётгани бежиз эмас.

Айниқса, болалар саломатлигини мустаҳкамлашга эътибор кучайди. Боғчаларда кичкинтойлар билан машғулотлар ўтказиладиган махсус хоналар ҳам энг замонавий жиҳоз ва анжомлар билан таъминланди. Вилоятимиздаги МТМлар ҳам замон талаблари даражасидаги қиёфа касб этди. Айниқса, Президентимизнинг «Наманган шаҳрини 2009—2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чоратадбирлар Дастури тўғрисида»ги Қарори натижасида 19та мактабгача таълим муассасаларини капитал ва жорий таъмирлаш учун 2 миллиард 806 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Биргина 2011 йил давомида 50та мактабгача таълим муассасаси капитал ва жорий таъмирланди. Ушбу хайрли ишлар учун 676

миллион 300 минг сўм маблағ сарфланди. Қисқа фурсат ичида белгиланган вазифалар бажарилиб, ушбу боғчаларимиз замон талаблари даражасида таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Амир Темур кўчасида болажонлар учун ўн гектар майдонга жойлашган, ўзида қирққа яқин аттракционни мужассам этган «Кичкинтой» боғи барпо этилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, мактабгача таълим муассасаларига берилаётган бу каби эътибор ва ғамхўрликлар замирида аниқ мақсад ва эзгу орзулар мужассамдир. Зеро, Президентимиз «Юксак

маънавият — энгилмас куч» асарида таъкидлаб ўтганидек, инсон умри давомида оладиган информатсиянинг 70 фоизини 5 ёшгача эгалар экан. Шу боис ҳам юртимизда ёш авлод тарбияси борасида масъулиятли бўлиш талаб этиляпти. Чунки бахт-саодат бойлик, мол-мулк билан ўлчанмайди. Одобли, билимли, ақли, меҳнатсевар, имон-этиқодли фарзанд нафақат отананинг, балки жамиятнинг ҳам катта бойлигидир.

Бугун Наманган вилоятининг шаҳару қишлоқлари, хусусан Учқўрғон, Чортоқ, Уйчидаги мактабгача таълим муассасаларида ҳам болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Болаларнинг боғчаларга қамрови бўйича вилоятимиз республика миқёсида 3-ўринда тургани ҳам қувонарли ҳол. Отаналар ўртасида боғчаларга бола-

лар қамровини ошириш мақсадида «Очиқ эшиклар кўни» мунтазам ўтказилди. Унда маҳалла-оила-боғча ҳамкорлигига таянган ҳолда иш олиб бораемиз.

Фарзандларимизни миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашда айнан боғчалар пойдевор ҳисобланади. Шу боис боғчаларда миллий ҳамда замонавий ўйинчоқлар ёрдамида болаларни маънан баркамол этиб тарбиялашга интиляемиз. Тарбиячилар ўзлари ўйинчоқлар ясаб, боғча бурчакларини бойитмоқда. Уларнинг бу ишларини доимо қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, илғор тажрибаларини омдалаштириш мақсадида боғча тарбиячилари ўртасида мунтазам кўриктанлов ўтказилади.

Биз мақоламиз аввалида Чортоқ туманидаги 17-боғчада тарбияланган Мехриноз Аббосова ҳақида бежиз сўз юритмаган эдик. Ҳозир у Наманган давлат университети қошидаги академик лицейда таҳсил олмақда. Адабиёт оламига илк қадамини боғчадан ташлаган Мехриноз бугун анча-мунча ютуқларга эришди. Боғча опаси айтганидек, зўр шоира бўлиш ниятида. 2011 йили ўтказилган «Келажақ овози» танловининг республика босқичида голибликни қўлга киритди. 2011 йили Президентимиз Наманган вилоятига қилган ташрифи чоғида вилоятнинг бир гуруҳ иқтидорли ёшлари билан учрашиб, уларнинг ўй-фикрлари, мақсадлари билан қизиқдилар. Ана шу ёшлар қаторида Мехриноз Аббосова ҳам вилоят ёшлар номидан ўз фикрларини билдирди. Етуқ, баркамол, юксак интеллектуал салоҳиятли бўлиб, юртимиз доврғини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга ваъда берди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

### Maktabgacha ta'lim muassasalarida



Алишер Навоий ҳазратлари дафъатан сўзга бениҳоя шоён таърифу тавсиф бериб ўтиш ба-робарида, аслида сўз қондаси-да азалдан маълум бир муназа-замлик, яъни қатъий бир инти-зом мавжудлигини хотирга кел-тириб ўтадилар. Зеро, улуг му-тафаккир назарида сўз қондаси-га мунтазам риоя қилиш — шеъ-рий тафаккур тарзи учун ниҳо-ятда муҳим омил эди. Бошқача-роқ айтганда, шоир наздида, шеърятдаги сўз — салмоғи би-лангина эмас, балки маъно те-ранлиги билан бадий кашфи-ёт, ҳаттоки, илоҳий қудрат касб этади. Дарвоқе, баъзи олимлар улуг шоир асарларида 26 минг-дан ортиқ сўз қўлланилган де-салар, баъзилари шоир асарла-ридаги ана шу изоҳли лугатга кирмай қолган қуйидаги айрим қадимги туркий сўзларни изоҳи билан келтириб ўтиш мумкин: **аваламақ** — "уйилмоқ", "тўпла-моқ"; "қўймоқ", "ясамоқ"; **аёғлуқ** — "қосалиқ"; **аёқ** — "у ёқ", "у томон", яъни "осмон ё ўзга ма-кон"; **айрулуқ** — "бошқалиқ", "ўзғалиқ"; "айрилиқ"; **айтилма-моқ** — "айтилмаган"; **андиғ** — "бир оз", "озгина", "пила"; "ат-рофи", "гардиши"; **анши** — "ху-шқол", "мамнун", "хурсанд"; **ҳавр этмақ** — "ҳайдамоқ", "кувмоқ"; **кўнг** — "қарга"; **кўнгранмақ** — "дўрилламоқ", "ғўнғилламоқ"; **қусмоқ** — "қўсмоқ", "қайт қилмоқ"; **курун** — "вақт"; **кулмоқ** — "хотинликка қўлни сурамоқ"; **қоз** — "сўвда сузувчи йирик қуш"; "ғоз"; **қов-ғонмоқ** — "жамгармоқ", "тўпла-моқ"; "оз-оздан йиғмоқ"; **қил-ранмақ** — "қимирламоқ", "қўзғалмоқ"; **ўқсун** — "само"; **чўқ** — "тўғри"; "рост"; "тузук"; "ду-руст"; **чир** — "яралар", "заҳмлар"; "дардлар"; **ченг** — "бурун суви", "бурундан келган сув"; **чевилан-мақ** — "айланмоқ"; **чекин I** — "ўсимлик"; **чекин II** — "ипак"; **чаб** — "тақлидий сўз"; **канаркамақ** — "кўндирмоқ", "икрор қилди-роқ"; **сўздамақ** — "қитғилмоқ"; **дебсамақ** — "тегинмоқ", "ер теп-моқ", "ер тепиб турмоқ" синга-ри.

# «СЎЗ ҚОНДАСИДА ИНТИЗОМ...»

эса, ана шу изоҳли лугатда қайд этилмаган яна беш мингдан ортиқ янги изоҳланган, тушуни-лиши қийин сўзлар ҳақида баҳс (яъни бизнинг тадқиқотимизда — **М.А.**) юригадилар. Бунга мисол тарихида шоир асарла-ридаги ана шу изоҳли лугатга кирмай қолган қуйидаги айрим қадимги туркий сўзларни изоҳи билан келтириб ўтиш мумкин: **аваламақ** — "уйилмоқ", "тўпла-моқ"; "қўймоқ", "ясамоқ"; **аёғлуқ** — "қосалиқ"; **аёқ** — "у ёқ", "у томон", яъни "осмон ё ўзга ма-кон"; **айрулуқ** — "бошқалиқ", "ўзғалиқ"; "айрилиқ"; **айтилма-моқ** — "айтилмаган"; **андиғ** — "бир оз", "озгина", "пила"; "ат-рофи", "гардиши"; **анши** — "ху-шқол", "мамнун", "хурсанд"; **ҳавр этмақ** — "ҳайдамоқ", "кувмоқ"; **кўнг** — "қарга"; **кўнгранмақ** — "дўрилламоқ", "ғўнғилламоқ"; **қусмоқ** — "қўсмоқ", "қайт қилмоқ"; **курун** — "вақт"; **кулмоқ** — "хотинликка қўлни сурамоқ"; **қоз** — "сўвда сузувчи йирик қуш"; "ғоз"; **қов-ғонмоқ** — "жамгармоқ", "тўпла-моқ"; "оз-оздан йиғмоқ"; **қил-ранмақ** — "қимирламоқ", "қўзғалмоқ"; **ўқсун** — "само"; **чўқ** — "тўғри"; "рост"; "тузук"; "ду-руст"; **чир** — "яралар", "заҳмлар"; "дардлар"; **ченг** — "бурун суви", "бурундан келган сув"; **чевилан-мақ** — "айланмоқ"; **чекин I** — "ўсимлик"; **чекин II** — "ипак"; **чаб** — "тақлидий сўз"; **канаркамақ** — "кўндирмоқ", "икрор қилди-роқ"; **сўздамақ** — "қитғилмоқ"; **дебсамақ** — "тегинмоқ", "ер теп-моқ", "ер тепиб турмоқ" синга-ри.

Алишер Навоий ҳазратлари дафъатан сўзга бениҳоя шоён таърифу тавсиф бериб ўтиш ба-робарида, аслида сўз қондаси-да азалдан маълум бир муназа-замлик, яъни қатъий бир инти-зом мавжудлигини хотирга кел-тириб ўтадилар. Зеро, улуг му-тафаккир назарида сўз қондаси-га мунтазам риоя қилиш — шеъ-рий тафаккур тарзи учун ниҳо-ятда муҳим омил эди. Бошқача-роқ айтганда, шоир наздида, шеърятдаги сўз — салмоғи би-лангина эмас, балки маъно те-ранлиги билан бадий кашфи-ёт, ҳаттоки, илоҳий қудрат касб этади. Дарвоқе, баъзи олимлар улуг шоир асарларида 26 минг-дан ортиқ сўз қўлланилган де-салар, баъзилари шоир асарла-ридаги ана шу изоҳли лугатга кирмай қолган қуйидаги айрим қадимги туркий сўзларни изоҳи билан келтириб ўтиш мумкин: **аваламақ** — "уйилмоқ", "тўпла-моқ"; "қўймоқ", "ясамоқ"; **аёғлуқ** — "қосалиқ"; **аёқ** — "у ёқ", "у томон", яъни "осмон ё ўзга ма-кон"; **айрулуқ** — "бошқалиқ", "ўзғалиқ"; "айрилиқ"; **айтилма-моқ** — "айтилмаган"; **андиғ** — "бир оз", "озгина", "пила"; "ат-рофи", "гардиши"; **анши** — "ху-шқол", "мамнун", "хурсанд"; **ҳавр этмақ** — "ҳайдамоқ", "кувмоқ"; **кўнг** — "қарга"; **кўнгранмақ** — "дўрилламоқ", "ғўнғилламоқ"; **қусмоқ** — "қўсмоқ", "қайт қилмоқ"; **курун** — "вақт"; **кулмоқ** — "хотинликка қўлни сурамоқ"; **қоз** — "сўвда сузувчи йирик қуш"; "ғоз"; **қов-ғонмоқ** — "жамгармоқ", "тўпла-моқ"; "оз-оздан йиғмоқ"; **қил-ранмақ** — "қимирламоқ", "қўзғалмоқ"; **ўқсун** — "само"; **чўқ** — "тўғри"; "рост"; "тузук"; "ду-руст"; **чир** — "яралар", "заҳмлар"; "дардлар"; **ченг** — "бурун суви", "бурундан келган сув"; **чевилан-мақ** — "айланмоқ"; **чекин I** — "ўсимлик"; **чекин II** — "ипак"; **чаб** — "тақлидий сўз"; **канаркамақ** — "кўндирмоқ", "икрор қилди-роқ"; **сўздамақ** — "қитғилмоқ"; **дебсамақ** — "тегинмоқ", "ер теп-моқ", "ер тепиб турмоқ" синга-ри.

қўламини аниқлаш ёки унинг те-лажақдаги бадий тафаккур тар-зи ривож учун катта имконият бор. Бинобарин, неча асрлар-дан буён муфассир(тафсирчи)-лар, мушарриҳ(шарҳловчи)лар Қуръондаги фақатгина сўзлар миқдорини эмас, балки ҳарфлар ададини ҳам қайта-қайта кўриб чиқдилар. Бу жараён, албатта, ҳозир ҳам давом этмоқда. Биз-нингча, бунга мисол сифатида исломшунос олимлар томонидан Мусҳафдаги биргина "дуо" сўзи-нинг статистик тадқиқ этилиши, яъни унинг Мусҳафда 212 марта тилга олинганлигини ёдга олиш-нинг ўзи кифоя. Илло, миллий маънавиятимиз тарихидаги буюк маърифатпарварлар — Имом Ис-моил ал-Бухорий(810 — 871), Абу Райҳон Беруний (973 — 1048), Маҳмуд Замаҳшарий(1075 — 1144), Мирзо Улуғбек(1394 — 1449) каби қайси бир аллома-ларимизнинг иши бундан фориг деб айта олишимиз мумкин?

# 9-fevral — Alisher Navoiy tavallud topgan kun

қавий бўлубдур ва ҳамул дара-жадин мохалақаллоҳ, балки мо-сиваллоҳни маъҳуми маҳз, бал-ки маъҳуми мутлақ билиб ву-сул ҳаримида эътикоф қилиб-дур". Мунқавий сўзининг қавий шакли эса Навоий асарларида кўп қўлланилган. Асардаги бун-дай сўз шаклларининг айримла-ри ҳатто, бошқа туркий манба-ларда ҳам учрамайди. Лекин бу-ларга қўшимча — яна асарда араб тилига хос тўғри кўплик-лар иштирокида янги сўзлар ҳам ҳосил қилинган: **мустағалот** — "ғалла эқиладаган ерлар": "**Фонийваш ва бетақаллуф киши эрди, жузий мустағалоти хоси-ли била қаноат қилиб эрди**". Аммо, энг муҳими, бу ҳам эмас. Муҳими шунки, адабиёт оламида шоир шеърятни кўпмаънолилиқ асосида барпо этилгани билан

маълум ва машҳур. Илло, сўзининг кундалик турмуш тар-зидаги фаолияти нақадар кенг бўлса бордир, ammo улуг' бобо-миз шеърятдаги сўзларнинг тур-фа хил рангин маънолари шун-ча кўп ва жозибки, уларнинг сир-синаоти ёлғиз яратган эгам-га аён. Дарҳақиқат, руҳиятшу-нос олимларнинг таъкидлашлар-ича, инсон бир кунда қанча-дир сўз қўллаш олиш лаёқати-га эга бўлса-да, ammo уларнинг ми-қдорини эслаб қололмас экан. Шу ерда ўз-ўзидан нега шун-дай, деган мантиқий савол ту-ғилади. Афсуски, бу саволга ин-соният то ҳануз жавоб излаёт-тир.

**Занбурнинг эви кеби кўнглум тешук-тешук, Лаълинг ҳаёли ҳар тешук ичинда бол экин.**

Улуг мутафаккир сўз қондаси борасида турли жиҳатлардан ёндашади. Айниқса, унинг қадимги кошғарийёна усули ўзига хос содда ва эпкин. Яъни шоир Маҳмуд Кошғарийнинг "Кўп сўзни тушуниб бўлмайди, қаттиқ тошни сиқдириб бўлмайди" каби сўзи қондаларига тўлиқ амал қилади:

**Ким оз деди нукта айшу ком ўлди анга, Сўз қондасида интизом... ўлди анга...**

Дафъатан усул, услуб дейил-ганда, ўз-ўзидан сўз тартиби, сўзининг матндаги бадий ифо-даси ҳақидаги қарашларимиз ҳам тушунилади. Албатта, адабиёт сўздан бошланишини назарда тутадиган бўлсак, ҳар бир сўзининг чинакам бадий кучи, у ёки бу халқнинг ноёб беназир асарларида ўз ифодасини топи-ши алҳол ёдга келади. Биноба-рин, бу ҳақда рус филолог олимларидан бири "Ҳар бир сўз — бетакор санъат асари, халқ-флеktiv хусусиятларига хос тарзда турли сўз шаклларида қўллаган эди. Қуйида биргина "Маҳолис ун-нафоис" асари мисолида ана шундай айрим сўзлар шарҳини кўриб ўтамиз: **мунқавий** сўзи асарда бир ўрин-да қўлланиб, матний маъносига кўра, "маҳкам", "собит" маъно-ларини ифодалаган: "**Улви ҳим-матдин дунёву мофийҳога этак силкиб мақсуд қазбасида мун-**

шуки, шоир наздидаги чинакам сўз санъаторининг муназазаҳ — пок кўнгли мудом инсониятни эзгу амаллар сари ундаб турув-чи, худди заҳматкаш асалари-нинг уяси сингари саросар сара сўзларга лиммо-лим тўлиб ту-риши жоизлиги ҳақидаги сўз қондасини илгари суришдан иборат.


# ШОИР ИЖОДИДА ШАҲРИСАБЗ

Алишер Навоийнинг «Саъбаи сайёр» асарини ўқир эканман, бир нарсага ҳайратим ортади. Мавороннаҳр ҳам, Хуросон ҳам те-мурийлар қўл остида бўлса-да, ҳар қалай, анча олис масо-фадаги Шаҳрисабз мулкидан кел-дик. Тириклик рамзи бўлган яшиллик — сув, қўқатлар, бо-ринглик, бутун борлик табиатида ўз аксини топганидан бизнинг кийимларимиз ҳам шу рангда» деган кавоб беришади. Шоир фикрича, Шаҳрисабз мулкидек яшил, обод юрт кам учрайди. Бундай яшарли, ривожланиш рамзи бўлган юртининг яшилли-ги одамларнинг либосларида ўз аксини топган.



Асарда Саъднинг ишлари баён қилинади, у подшо бўла-ди. У ўз либосини ҳам, тожу тах-тини ҳам кўк ранг билан бе-забшқ етти иқлимнинг нақшош-лари бу етти қасрни етти турли ранг ва нақш билан беэайди. Қаср биттач, етти иқлим подшо-си ўз қизларини Баҳромга ни-қонга кўнглидан не кечса, у сўз бўлиб қорозга тўкилади. Аммо "Шеър-нинг қанчалик кучга эга экани қорозга тушган сўзларга эмас, шоирнинг унга сарфлаган юрак кўрига боглиқ. Унинг аурасини мана шу қувват белгилайди" (**Фахриддин Низом**). Шу маъно-да улуг шоирнинг қуйидаги ми-сралари биз илгари сурган сўз ҳақидаги фикр-мушоҳадаларга янада аниқлик киритади:

**Сўз зоҳир этар замир иши кўпрағидин, Тил муҳбир эрур кўнгул ниҳон эмгағидин, Фаҳм айла киши ҳолини сўз демағидин — Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидағидин.**



Шунда меҳмонлар: «Оти Шаҳ-рисабз ҳам, Кеш ҳам деб атала-бир нарсага ҳайратим ортади. Мавороннаҳр ҳам, Хуросон ҳам те-мурийлар қўл остида бўлса-да, ҳар қалай, анча олис масо-фадаги Шаҳрисабз мулкидан кел-дик. Тириклик рамзи бўлган яшиллик — сув, қўқатлар, бо-ринглик, бутун борлик табиатида ўз аксини топганидан бизнинг кийимларимиз ҳам шу рангда» деган кавоб беришади. Шоир фикрича, Шаҳрисабз мулкидек яшил, обод юрт кам учрайди. Бундай яшарли, ривожланиш рамзи бўлган юртининг яшилли-ги одамларнинг либосларида ўз аксини топган.

Асарда Саъднинг ишлари баён қилинади, у подшо бўла-ди. У ўз либосини ҳам, тожу тах-тини ҳам кўк ранг билан бе-забшқ етти иқлимнинг нақшош-лари бу етти қасрни етти турли ранг ва нақш билан беэайди. Қаср биттач, етти иқлим подшо-си ўз қизларини Баҳромга ни-қонга кўнглидан не кечса, у сўз бўлиб қорозга тўкилади. Аммо "Шеър-нинг қанчалик кучга эга экани қорозга тушган сўзларга эмас, шоирнинг унга сарфлаган юрак кўрига боглиқ. Унинг аурасини мана шу қувват белгилайди" (**Фахриддин Низом**). Шу маъно-да улуг шоирнинг қуйидаги ми-сралари биз илгари сурган сўз ҳақидаги фикр-мушоҳадаларга янада аниқлик киритади:

**Сўз зоҳир этар замир иши кўпрағидин, Тил муҳбир эрур кўнгул ниҳон эмгағидин, Фаҳм айла киши ҳолини сўз де. лағидин-Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидағидин.**

**Имон топқон кишига Ҳақ раҳматидин, Фам йўқ шайтон васвасу заҳматидин.**

**Эл поясин англай десанг, асрорини бил, Кўнглидаги мударосин изҳорини бил, Қалбига кўра таши намудорини бил, Матлубига боқу кимса миқдорини бил.**

**Зи нисфи пўсти норанж баҳри нарғиси шўх, Пиёла кардио ў маст гашт бе сахбо.**

**Чу чанд рўз бар ин рафт, доди ороиш, Зи шоҳидони раёҳин ба гулшанги дунё.**

**Зи нисфи пўсти норанж баҳри нарғиси шўх, Пиёла кардио ў маст гашт бе сахбо.**

**Чу чанд рўз бар ин рафт, доди ороиш, Зи шоҳидони раёҳин ба гулшанги дунё.**

**Зи нисфи пўсти норанж баҳри нарғиси шўх, Пиёла кардио ў маст гашт бе сахбо.**

# Алишер НАВОИЙ «ЙЎҚ ФЕЪЛ КИШИГА ЯХШИРОҚ ЭҲСОНДИН...»

Олам элига ҳаёт эрур тузлуқдин, Этмақ гаразига бор эрур тузлуқдин, Норостқа кўп уёт эрур тузлуқдин, Лек эр кишига нажот эрур тузлуқдин.

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрағидин, Тил муҳбир эрур кўнгул ниҳон эмгағидин, Фаҳм айла киши ҳолини сўз де. лағидин-Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидағидин.

Имон топқон кишига Ҳақ раҳматидин, Фам йўқ шайтон васвасу заҳматидин.

Эл поясин англай десанг, асрорини бил, Кўнглидаги мударосин изҳорини бил, Қалбига кўра таши намудорини бил, Матлубига боқу кимса миқдорини бил.

Зи нисфи пўсти норанж баҳри нарғиси шўх, Пиёла кардио ў маст гашт бе сахбо.

Чу чанд рўз бар ин рафт, доди ороиш, Зи шоҳидони раёҳин ба гулшанги дунё.

Зи нисфи пўсти норанж баҳри нарғиси шўх, Пиёла кардио ў маст гашт бе сахбо.

Чу чанд рўз бар ин рафт, доди ороиш, Зи шоҳидони раёҳин ба гулшанги дунё.

Зи нисфи пўсти норанж баҳри нарғиси шўх, Пиёла кардио ў маст гашт бе сахбо.

Чу чанд рўз бар ин рафт, доди ороиш, Зи шоҳидони раёҳин ба гулшанги дунё.

Йўқ феъл кишига яхшироқ эҳсондин.

Ҳар кимки, чучук сўз элга изҳор айлар, Ҳар нечаки агёрдур, ёр айлар, Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар, Юмшоғи кўнгулларни гирифтор айлар.

Ким олим эса, нуктада барҳақ де они, Гар базм тузар, бихишти мутлақ де они, Ҳар кимсаки, йўқ илм анга, аҳмақ де они, Мажлисдаки илм бўлса, учмақ де они.

Меҳнат ародур кушод топмоқ билгил, Ранж ичрадурур мурод топмоқ билгил.

Даҳр уйида улки, ранжпарвард ўлғай, Кўп яхики, бедардға ҳамдард ўлғай, Жон гулшанида чу яхши эл вард ўлғай, Вой ангаки, яхшилардин ул фард ўлғай.

Ҳар кимсаки, иқбол анинг ёваридур, Ҳар ёнки юз урса, ҳиммати раҳбаридур, Ҳиммат дури фаҳр тожининг гавҳаридур, Чун ҳиммати одам ўғлининг сарваридур.

Ҳар кимсаки, ақл кўнглидин зойилдур, Корун эса, оқил қолди сойилдур, Юз ганж кишига ақлдин ҳосилдур, Йўқтур анга фақру фоқаким оқилдур.

Фисқ аҳлига бўлмас киши қилмоқ ҳурмат-Ким, эрмас анинг ҳолига равнақ ҳурмат, Фосиққа насиб этмади чун Ҳақ ҳурмат, Хушроқтур ани тутмаса мутлақ ҳурмат.

Намуд дил зи раёҳин сўи фавокеҳ майл, Чу аз сароби сувар сўи лужжаи маъно... Либоси барг чу ашқори богро пўшид, Шуд аз намошини хар як чу гунбади мино...

Ва лек анкуми собит шуда фавокеҳи ў, Ба бурж шокси саовит мисоли побархо.

Руҳи чаманро аз хоман қазо карди, Зи лавн-лавн раёҳин чу гунагун дебо.

Мазмуни: Тақдир қалами билан чаман руҳини (Сен) ранг-баранг бўёқлар билан зийнат-ланган райҳонзорга айлантир-дин.

Мазкур байтларда олам ва одам сирлари ташхис санъати асосида ёнма-ён талқин этилган. Шеър асар муаллифи илгари сурган ғоя эса, аниқ ифодалан-ган, тасвирланган шеърӣ тим-соиллар ёрқинлик, жонлилик, жозибдорлик касб этган. **Назора БЕКОВА,** филология фанлари номзода, доцент Бухоро

# «СИТТАИ ЗАРУРИЯ»ДА ГУЛ ТИМСОЛИ

Ўзбек адабиётининг бобока-лони Мир Алишер Навоий форс тилида ҳам сўз қадрини баланд қўтарган муимтоз санъаткор эди. Икки тилда ҳам иходини санъат даражасига қўтариш Навоий но-мини яна ҳам маҳбуб ва улғувор қилди. Унинг форсий қасидала-ри, газал, рубоий ва марсила-ри фақат бадий сўз усталари, шоир уфозилар эмас, балки форсийзабон халқ орасида ҳам шухрат қозонган. Шу боис На-воий форсий шеърларини йи-ғиб, «Девони Фоний» номи би-лан алоҳида китоб тузган эди. Биз мазкур девон таркибига кир-ган «Ситтаи зарурия» қасидалар туркумидан гул тимсоллари тас-вирига бағишланган парчани тах-лил этишга уриндик.

Улуг шоир райҳон, сунбул, нарғис, лола, ёсмин каби гул тимсоллари орқали ошик ахли-нинг кўнглида порлаган илоҳий нур ва унинг турли шаклларида жилва қилишига ишора этади.

Алишер Навоий ижодида гул бадий тимсол сифатида кўп ўринларда учрайди. Шоир «Сит-таи зарурия» қасидалар турку-мида ҳам лола, ёсмин, нарғис, Мазмуни: Шўх нарғис учун яримта норанж(апельсин)нинг пўстидан пиёла қилдинки, у қадахсиз ҳам маст бўлди.

Нарғис — бутакўз, кўзнинг рамази, яъни кўз «мушаббих» (ўхшатиш, ташбиҳ этилган). «Нарғис шўх» ибораси шўх нар-ғис кўзга гўзалларга нисбат бе-рилади.

Фикримизни улуг шоирнинг туркий тилдаги байр бити орқали асослаймиз:

Икки ўтлуғ нарғисингким қилдилар бағрим кабо, Бирдир айни хумор ичинда бири масти хоб.

Ҳазрат Навоий қаламига ман-суб бу байтда Оллоҳ, олам ва одам гўзаллиги ифодаланган, яъни машуқанинг нарғис кўла-ридан ошқининг бағри-дили ка-бо бўлган, чуки машуқанинг кўзларида Яратганинг тажал-лиси бор. Кўз — басират дара-жаси, қалб кўзининг ўткирлиги, ҳам айни пайтда, у ошқини им-тиҳон этувчи, синонадан ўтказу-вчи кучдир. Илоҳий жамол турли кўринишларда жилполаниб, қалб-га йўл излайди. Файнинг ман-ба, сир синоат чаммаси кўз — жило, мавж, товланиш, сеҳру жоду, мафтункорлик тимсоли. Шунинг учун ҳар икки байтда ҳам (яъни, қасидада ва газалдан

олинган байтда) «хумор», «маст» каби сўзлар ишлатилган. Мазкур рамз тўзлиш асоси жиҳатидан тўла-тўқис мушаббих-нинг таркибий қисмларига тўғри келади ва бу ўхшашлик асосида кучли мантқиқ бор. Қасидада райҳон бошқа гул тимсоллари-дан алоҳида ажратилади:

Мазмуни: Бир неча кун шу та-риҳа (Сен) оройиш бердинг, райҳонлар шоҳидлигида дунё гулшанига.

Мазкур байтда райҳон инсон-га хос «шоҳидлик» хусусиятини касб этган. Чуки тасаввуфий қарашларга кўра, райҳон тасфия ва риёзат натижасида қалбада порлаган нур тимсолидир. «Шо-ҳид» сўзини ҳам шоир бежиз ишлатмаган, яъни шоҳид — қалб билан тенглашган мавжудот. Байтдаги «гулшан» сўзи эса қалбнинг фатҳи ва очилиши, со-лиқ кўнглининг маърифат ва ир-фонга тўлиши тимсоли бўлиб келган.

Мазмуни: Кўнгул райҳонлар-дан мевали бог томон майл кўрсатди, беҳисоб суратлардан зебо шакллар эса сарбағга ай-ланибди. Барглар либоси бог дараклари устини ёғди. Ҳар би-рининг товланишидан феруза осмон шакли намоён бўлди. Ле-кин юлдузлар собитлашганидек ҳолат мевали богда кўрина бош-лади. Юлдузлар буржда кўним товланидек, шохлар ҳам оёғида тургандай бўлди.

«Баргларнинг бог дараклари устини ёпиши», «шохларнинг оёғида туриши» инсонга хос ҳаракат бўлиб, ташхис санъати тўфайли улгу шар даракларга кўчирилган.

Мазкур байтларда олам ва одам сирлари ташхис санъати асосида ёнма-ён талқин этилган. Шеър асар муаллифи илгари сурган ғоя эса, аниқ ифодалан-ган, тасвирланган шеърӣ тим-соиллар ёрқинлик, жонлилик, жозибдорлик касб этган.

Мазкур байтларда олам ва одам сирлари ташхис санъати асосида ёнма-ён талқин этилган. Шеър асар муаллифи илгари сурган ғоя эса, аниқ ифодалан-ган, тасвирланган шеърӣ тим-соиллар ёрқинлик, жонлилик, жозибдорлик касб этган. **Назора БЕКОВА,** филология фанлари номзода, доцент Бухоро



# ФАН ОЙЛИКЛАРИ

Fikr, mulohaza, taklif



Академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларига ўқув режа, фан дастурлари ва дарсликлардан ташқари кўшимча билимлар бериш айна кундаги долзарб вазифалардан бири саналади. Айтиш жоизки, уларнинг фанга бўлган қизиқишини орттириш, кўшимча адабиётлардан фойдалана олиш кўникмасини шакллантириш, қолаверса, ўқувчиларни илмий тадқиқот усуллари билан яқиндан таништириш, олган билимларини ҳаётга татбиқ қила олиш малакасини ҳосил қилиш мақсадида таълим муассасасида фан ойликлари ўтказиб келинаётган.

Аслида бу жараён аниқ ишлаб чиқилган режа асосида ташкил этилиши зарур. Унда: фан ойлигини ўтказиш жараёнини рационал ташкил этиш учун зарур шароит яратиш; ўқув гуруҳлари бўйича иш тақсимоли ва дастурларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажарилишини таъминлаш; фанлараро боғлиқлик ва назарий таълимнинг ишлаб чиқариш таълими билан боғланишини ўрнатиш; таълим ва тарбия бирлигини, умумтаълим, умумтехника ва касбий таълим фанларининг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш; илгор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини; фан-техника ва технология

## Ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда муҳим ўрин тутади

ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Қолаверса, бунда режанинг илмий асослангани ва реаллиги, тadbirlarнинг максималлиги ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш мумкинлиги, режада асосий масалаларнинг акс этгани ва жамоанинг интилиши уларга қаратилганлиги, ишнинг жамоат ташкилотлари ва алоҳида ходимлари ўртасида мақсадга мувофиқ тақсимлангани, айрим ходимларнинг салоҳияти каби омиллар инobatга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, фан ойлиги доирасида ойнинг биринчи ҳафтасида очик дарслар ташкил этиш ва кўрик-танловлар ўтказиш, иккинчи ҳафтасида семинар-тренинг, семинар ва илмий-амалий конференциялар, учинчи ҳафтасида маънавий-маърифий тadbirlar ва тўртинчи ҳафтасида учрашувлар, мулоқотлар ва саёҳатлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Шанба	Фанга оид илмий-фантастик асарларнинг бири бўйича китобхонлар конференцияси
-------	---

### 3-ҳафта. Фанга оид маънавий-маърифий тadbirlar ташкил этиш

Душанба	Фанга оид мавзуларда радиоэшитириш тайёрлаш ва эфирга узатиш
Сешанба	Миллий қадриятлар тарғиботида оид кеча ташкил этиш
Чоршанба	"Қувноқлар ва зукколар" беллашувини ўтказиш
Пайшанба	Ўқувчиларнинг мустақил билим олиши ва ўз устида ишлаши самарадорлигини оширишга қаратилган интеллектуал ўйинлар ташкил этиш
Жума	Ўқувчиларнинг илмий дунёқараш, мустақил ва мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга бағишланган баҳс-мунозаралар ўтказиш
Шанба	Фан тўғрақларининг очик тўғрақ йиғилишларини ўтказиш

### 4-ҳафта. Фанга оид учрашув, мулоқот ва саёҳатлар ташкил этиш

Душанба	Фанга оид мавзулар бўйича мулоқот ўтказиш
Сешанба	Халқимиз урф-одатлари билан таништириш ҳамда умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга йўналтирилган учрашув ва саёҳатлар уюштириш
Чоршанба	Иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиш мақсадида фан арбоблари билан учрашувлар ташкил этиш
Пайшанба	Бой миллий маданий-тарихий аъёнлар руҳида тарбиялашга йўналтирилган саёҳатлар уюштириш
Жума	Фанга оид корхона, ташкилот ва муассасаларга саёҳатга чиқиш
Шанба	Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича мулоқот ва саёҳатлар ташкил этиш

### Фан ойлигининг ўтказиш бўйича режа:

Ҳафта кунлари	Ўтказиладиган тadbirlar	Изоҳ
---------------	-------------------------	------

#### 1-ҳафта. Фанлар бўйича очик дарсларни ташкил этиш ва кўрик-танловлар ўтказиш

Душанба	Очик дарслар ташкил этиш, ўқув хоналарининг жиҳозланиши бўйича кўрик-танлов ўтказиш
Сешанба	Очик дарслар ташкил этиш, кўргазмалар ва дидактик материаллар танловини ўтказиш
Чоршанба	Очик дарслар ташкил этиш, дарс ишланмалари ва услубий тавсиялар танловини ўтказиш
Пайшанба	Очик дарслар ташкил этиш, ўқувчилар томонидан тайёрланган фанга оид деворий газеталар ва кроссвордлар кўрик-танловини ўтказиш
Жума	Очик дарслар ташкил этиш, ўқувчилар томонидан тайёрланган фанга оид рефератлар кўрик-танловини ўтказиш
Шанба	Очик дарслар ташкил этиш, ўқувчилар томонидан тайёрланган фанга оид ижодий ишлар кўрик-танловини ўтказиш

#### 2-ҳафта. Долзарб мавзуларда семинар, семинар-тренинг ва илмий-амалий конференциялар ташкил этиш

Душанба	"Услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш" мавзусида семинар
Сешанба	"Дарс жараёнига таълим технологияларини жорий этиш" мавзусида семинар-тренинг
Чоршанба	"Самарали дарс бериш услублари" мавзусида семинар
Пайшанба	"Таълим-тарбия жараёнида илгор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш" мавзусида илмий-амалий конференция
Жума	Фанга оид мавзулар бўйича иқтидорли ўқувчилар конференцияси

Юқоридаги режа асосида фан ойликларини ташкил этиш ва ўтказиш кўйидаги натижаларни беради:

Очик дарснинг барча босқичлари ва вақтнинг тўғри тақсимланиши, кўргазмалар ўқув қуроллари, техника воситалари, таълим методи ва таълим шаклларининг пухта танлангани боис ўқувчилар сифатли билим олишга муассар бўладилар.

Фан ойлиги давомида ўқувчилар турли фан кечалари, давра сўхбатлари, кўрик-танловларнинг фаол иштирокчисига айланишади. Жараёнда улар илмий-конструкторлик ишларини бажариши, асбоб-ускуналар, қурилмалар, машина-механизмлар моделлари ва макетларини яратишга жалб қилинади. Асосийси, ўғил-қизлар дарсликлар, кўшимча адабиётлар билан мустақил ишлаш ҳамда уларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқаришга ўрганади, уларнинг маънавий-эстетик дунёқарашини бойиши.

Ўқувчиларни фан соҳаларига қизиқтириш, мустақил билим олиш ва ўз устида ишлаш самарадорлигини ошириш, уларнинг илмий дунёқарашини, му-

стақил ва мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, ўз фикр-мулоҳазаларини жамоатчилик олдида эркин ифодалаш, далил келтириб исботлаш ёки рад этиш усулларини ўрганишларига кўмаклашиш ҳам муҳим жараён ҳисобланади. Бундай кўникам ва малакаларга эса семинар ва конференция орқали эга бўлинади.

Маънавий-маърифий тadbirlar натижасида таълим муассасаларида маънавий муҳит янада соғломлашади. Қолаверса, ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётга, адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишлари ортади ва улардаги истеъдод, қобилият ривожланади, ташаббускорлик ва ташкилотчилик кўникмалари шаклланади, миллий ва умуминсоний қадриятларга хайрихоҳлиги кучаяди. Муҳими, таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий ва баркамол шахс вояга етиб боради.

**Қ. УМАРОВ,**  
Наманган муҳандислик педагогика институти қошидаги Дўстлик академик лицейи директори

## Maxsus ta'lim

# БОЛАЛАР ДАВРАСИДА БОЛАДЕК



Муҳтарама опа билан ёнма-ён ўтирган болақайнинг кўзлари катта-катта очилиб, оғзидан кўпик кела бошлади. Бола жон талвасасида ҳадеб ўзини у ёқ-бу ёққа уради. Автобус бир силкиниб тўхтади. Хайдовчининг ажабланиб қараб турганини кўриб, Муҳтарама опа изоҳ берди:

— Эпилепсия хуружи, тезда ўтиб кетади. Аммо барибир шифохонага элтмасангиз бўлмайди. Чунки бу ҳолатда болани мактабга олиб бориш фойдасиз!

"Isuzi" автобуси манзилни ўзгартириб, 17-шаҳар касалхонасига қараб кетди...

Бундай ҳодисаларга опа тез-тез дуч келади. Ақли заиф ёки даун ташхиси қўйилган болаларда бу каби тасодифлар бўлиши табиий.

Тошкент шаҳридаги 36-махсус таълим мактабида имконияти чекланган болалардан 270 нафари мустақил ҳаётга тайёрланмоқда. Кўп йиллардан бери дефектология соҳасида ишлаб келаётгани учун Муҳтарама опа имконияти чекланган шахсларга таълим беришнинг бутун сир-асроридан хабардор педагог сифатида ўз жамоасида обрў-эътибор қозонган. Болалардан 30 нафарига яқка тартибда таълим берилади. Муҳтарама опа уларнинг уй шароитини

яқши билади, ота-оналари билан маслаҳатлашиб иш тутайди, болалар даврасида болага айланади. Хар бир боланинг қизиқиши ва имкониятларини ўрганади, уларни энг оддий ютуқлари учун ҳам рағбатлантиради.

— Дефектология сабр-тоқат ва ирода талаб қиладиган соҳа. Чунки соғлиғида нуқсон бўлган болалар билан фақат шу хислат эгасигина ишлаш олади. Муҳтарама опанинг махсус таълим йўналиши бўйича ишлаб келаётганига 45 йил бўлди. Устоз таълим даргоҳимизда ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун келган талабаларга ўз тажрибаларидан сабоқ беради. Улар илк

бор бу ерга келишлари билан опа уларни илиқ ва самимий қарши олади, — дея таърифлайди устозни 36-махсус таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулнора Жўраева.

Махсус таълим мактабига Муҳтарама Камоловнинг ташаббуси ва елиб-югуриши натижасида хомийлик кўрсатаётган ташкилот ва корхона раҳбарлари тез-тез кўнгирок қилишади. Яқинда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси томонидан 400 миң сўмлик турли препарат ва тиббий асбоб-ускуналар 36-махсус таълим мактабига ҳада қилинди.

**Х.ТҶИМАНОВА**

## ЭКОЛОГИЯДАН МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистонда табиий ресурслар, шу жумладан, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база яратилди, у доимий равишда тақомиллашиб бормоқда. Бу эса соҳада олиб борилаётган илмий изланишларга ҳам мавзу бўлади. "Табиат-жамият-инсон" мажмуасида барқарор таъминлашга, кишиларда табиат бойликларига оғли муносабатни, атроф-муҳитга нисбатан масъулиятни шакллантиришга хизмат қилаётди.

Борий Алихонов ҳамда Аскар Нияматов масъул муҳаррирлиги остида нашрдан чиққан "Ўсимликлар дунёси объектларидан фойдаланишдаги экологик талаблар" (Ўрмон фондида қирмайдиغان ҳудудлардаги дароҳ ва буталарни кесиш) деб номланган қўлланма хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес корхоналари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари учун дастуриламал бўла олади.

Ушбу услубий тавсиялар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари



ҳамда Экоҳарақат "Ишонч телефони"га келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида тузилган бўлиб, «Аҳоли пунктларида атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлашда дароҳ ва буталарнинг тутган ўрни», «Дароҳ ва буталарни кесиш — ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланишнинг махсус тури», «Аҳоли пунктларидаги дароҳ ва буталарни кесиш объектлари» каби бир қанча мавзуларни қамраб олган.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли пунктларида дароҳ ва буталарнинг кесилиши буйича жамоатчилик назоратига қўмақлашиш учун йўналтирилган тавсиялар ўқувчиларнинг эътиборини тортishi шубҳасиз.

Анвар ҚОБИЛОВ




## "БАДИЙ СЎЗ ВА РУҲИЯТ МАНЗАРАЛАРИ"

Филология фанлари номзоди Мархабо Қўқоровнинг "Бадиий сўз ва руҳият манзаралари" (Тошкент, «Мухаррир», 2011) монографияси ўзбек адабиётшунослигида кам ўрганилган эссе жанри, унинг генезиси, шаклланиш тараққиёти ҳамда эсседа сюжет ва композиция, қаҳрамон масаласини ўрганишга бағишланган. Маълумки, эссе адабий, фалсафий, тарихий, биографик, публицистик, диний ва адабий-танқидий мазмунга эга насрий ижод намунаси бўлиб, унда нафақат адабиёт олами, шунингдек, барча фанлар, табиат ва жамиятнинг турли жабҳаларига тегишли воқелик қаламга олинади. Эссенинг барча шаклий кўринишларида иждоҳор шахси, унинг тафаккур олами, дунёқараши ва маданияти майдон марказига чиқади. Эссе сужбат, адабий ўйлар, лирик мазмундаги публицистик монолог, эътироф, мурожаат каби бошқа жанрлардан шуниси билан фарқ қиладики, унда ёзувчи ўз мулоҳазаларини эркин тарзда ифода қилиш билан том маънода мулоқотга киришади.

Тадқиқотчининг ўрганишига, эссе жанри дунё халқлари адабиётида азалдан мавжуд бўлиб, турли хил номларда айтади. Жумладан, рус-европа адабиётшунослигида эссе, очерк аталари моҳиятан эссе жанри маъносини беради. Немис адабиётида бу жанр «сцитце», деб номланади француз, инглиз, Америка адабиётларида "эссе" деган ягона термин мавжуд. Турк адабиётида бу ўрнида "денеме" жанри кенг шаклланган. Ўзбек адабиётшунослигида "эссе" жанри билан муқобил вариант сифатида ишлатилиб келинаётган "бади" жанри ҳам мавжудлигини тадқиқотчи назардан четда қолдирмаган.

Тадқиқотда ўзбек эссенавислари Озод Шарафиддинов, Пиримкул Кодиров, Шукур Холмирзаев, Иброҳим Фафуров, Фаффор Ҳотамов каби адиб ва олимлар яратган эссе намуналарини Фарб эссечилиги билан муқоясада



кузатади. Мазкур монография жами уч бўлимдан ташкил топган. Биринчи бўлим жанрининг рус, қардош халқлар адабиётшунослигида ўрганилишига бағишланган. Иккинчи-учинчи фасллар эса жаҳон эссенависларидан Марина Цветаева, Нуриллах Атач асарларида маънавий-интеллектуал масалалар, Фаффор Ҳотамов эсселарида ижтимоий фалсафий рамзий образлар аналитик таҳлил асосида кузатилган. Озод

Шарафиддиновнинг кенг қамровда тадқиқ этилган Абдулла Қаҳҳор шахсияти ва бадиияти ҳақидаги эсселарида санъаткорнинг ижодий дунёқараши ва маънавий-интеллектуал салоҳияти намоён бўлиши ўрганилган. Монографиянинг иккинчи бўлимида эса ҳозирги ўзбек хикоя ва қиссаларида адибларнинг индивидуал таҳлил маҳорати Шукур Холмирзаев, Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Собир Унар, Абдуқаюм Йўлдош, Улугбек Ҳамдам асарлари мисолида ўрганилган. Урни-ўрни билан мазкур адиблар ижоди жаҳон адабиётининг йирик намоёндалари асарлари билан қиёсланган.

Фитрат шахсияти ва бадиияти, илмий тадқиқотчилиги ўзбек олимлари, дунё адабиётшунослари томонидан ҳам эътироф этилиб, у ҳақидаги йирик тадқиқотлар Япония, Америка, Туркия, Германия адабиётшунослигида тизимли равишда ўрганиб келинмоқда. Муаллиф мазкур жараёни ўзбек-турк-немис-япон-америка олимларининг илмий кузатишларини чоғиштириш асосида ўрганилган.

Монографиянинг сўнгги бўлимида адабиётшунос Н.Раҳимжоновнинг Иззат Султон ижодий лабораторияси хусусида ёзилган тадқиқоти ҳақида сўз юритилади. «Ёшлар китоби. 2008» мажмуасига киритилган ёш таржимонлар ҳамда Бердақ Юсуфнинг "Алдоқчи сўзлар луғати", "Мумтоз адабий асарлар луғати" китобининг ижобий фазилатлари хусусидаги мулоҳазалар ҳам баён этилган.

Б. ФАЗЛИДИНОВ

Саховатда, ҳимматда оқар дарё каби бўл,  
Шафқат ва марҳаматда кулган қуёш каби бўл.  
Ўзга айбин ёпишда қоронғу тун каби бўл,  
Ғазабда ва жаҳлда худди ўлик каби бўл,  
Тавозе, камтарлиқда майин тупроқ каби бўл,  
Бағрикенглик, меҳрда улкан денгиз каби бўл,  
Қандайсан, шундай кўрин ё кўринганинг каби бўл.



са чиқаришда ёрдам беради. Шу тариха 40та дарснинг ҳар бири охирида келтирилган шарҳ алломанинг ҳаётини қарашларидан, нарсаси-ҳодисаларга файласуфна нигоҳ билан боққанлигидан ўқувчини воқиф этади.

Китобнинг иккинчи бўлимида «Найнома» таржимаси шоирлар Жамол Камол, Асқар Маҳкам ҳамда ёш таржимон Вазира Шодиева тақлидида берилган. Тасавуф илми билан шугулланган алломалар най комил ин-

## РУМИЙ МЕРОСИДАН ДУРДОНАЛАР

Шарҳ алломаларидан бири Жалолиддин Румийнинг шох асари «Маснавийи маънавий»га киритилган хикоятлар, юқорида келтирилгани каби шеърини сатрлар тарбиявий ҳолатерда эканлиги билан кенг китобхонлар оmmasининг диққат-эътиборини тортishi келмоқда. Шундай дурдоналардан 40та хикоят ва қўллаб ҳикоятлар алломанинг «Мухаррир» нашриётида босмадан чиқарилган китобига жамланган.

Китобдаги хикоятлар дарс, яъни сабоқ шаклида берилган, унинг шарҳга уланиб кетиши ўқувчига ҳуло-

сон вужуди рамзи эканини яхши биладилар. Жалолиддин Румий «Маснавийи маънавий»нинг дастлабки ўн максида боби ҳам най билан боғлиқ бўлганидан битта жузъга «Найнома» деб ном берилган. Най таърифидан ва тақлидидан қўзланган мудоаоқил, ориф, комил инсондир. «Найнома»дан қилинган таржималар орқали шоирнинг комил инсон ҳақидаги орзу-истаклари нақадар чексиз эканлигини илғаиб олиш қийин эмас.

Жалолиддин Румий адабий мероси кўп асрлардан бери маънавий жиҳатдан юксак шахсни қамолга етказишнинг мумтоз намунаси бўлиб келар экан, ушбу китобнинг чоп этилиши ҳам ана шу эъзу мақсадга ҳамохандир.


Ҳ. ТҶИМАНОВА

Баъзан ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, киши қайси ишга қўл урмасин, ўйлаганлари, қилган ишлари чиппака чиқаётгандек, омади юришмаётгандек, энг ёмон, яхши натижа бўлишидан умид йўқдек туюлаверади.

«Академнашр» нашриётида чоп этилган Равшанбек Хонниёзнинг «Танлаш ихтиёри ўзингизда» китоби ана шундай фикр-мулоҳазаларни, баҳоналарни бир чет-

жавобларини олишим лозим. Умид қиламанки, аниқ ва лўнда жавоб талаб қилинганида бироз тин оласиз ва адолат билан саволларимга жавоб берасиз», дейди муаллиф.

Китоб сиз, oilangiz ва келажакингиз ҳақида фикр юритади, ҳаётдан ва одамлардан қай тариха кўпроқ нарсаси олишингиз (ularga янада кўпрогини беришингиз) мумкинлиги ҳақида хикоя қилади.



## ТАНЛАШ ИХТИЁРИ ЎЗИНГИЗДА

га йиғштириб, амалий ҳақда ўтиши шу дақиқаданоқ бошлангизга туртки берадиган асарлардан биридир.

Китоб муқаддимасида «Мутолаана бошларкансиз, ўзингизни мен билан ёнма-ён ўтиргандек тасаввур қилинг. Сизга турли саволлар билан мурожаат этишим ва бу саволларга «ха» ёки «йўқ»

Тафаккурингизни барча гоёлар учун қандай очини, тасаввурингизни бойитишни ва ўйлашга мажбур бўлишни ўргатасиз. Ўйлаш ва фикр юри та бошлангиз билан ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб топасиз, уйғоқ нигоҳ ила ҳаёт йўлигини ижобий томонга ўзгартиришга эришасиз.


Муаллиф таъкидлайди: муваффақиятга эришиш учун, аввало, ўзингизга ишонимиз керак. Бу китобда нафақат ўз олдингизга қўйган мақсадингизга завқ-шавқ билан етиш, балки китобни қандай ўқиш кераклиги ҳақида ҳам билб оласиз, маънавий оламнинг бойиди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

## ЗООЛОГИЯДАН ЯНГИ ДАРСЛИК

Табиий фанлар йўналишидаги ўқув адабиётлари, жумладан, зоология (хордалилар) ўқув предметида оид қўлланмалар ўзбек тилида жуда кам яратилган. Систематик жиҳатдан умуртқали хайвонлар хордалилар типининг кенжа тури деб қаралса-да, «Умуртқалилар зоологияси» курсида бу тинга мансуб барча хайвонлар ўрганилади.

Профессор Саид Дадаев ҳамда доцент Қаландар Сапаровнинг узок йиллик меҳнатлари маъсули бўлган «Зоология» (Хордалилар) дарслиги соф миллий руҳдаги ўқув адабиёт сифатида яратилди. Унинг ҳар бир боби ёки йирик мавзулари охирида талабалар билимини аниқлаш ва уларнинг зоология (хордалилар) ўқув предмети буйича фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун янги педагогик технологиялар асоси-



да комбинацияли тест топшириқларининг берилиши талабаларга маъқул келиши шубҳасиз.

Дарсликда ҳар бир дарс мавзусидан сўнг ўрганилиши зарур бўлган ўқув материаллари режаси ҳам берилган. Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материаллари тўлақонли баён қилинган ва ўрганилаётган хайвоннинг систематик гуруҳлари ҳамда уларнинг лотинча номларини келтирилган. Мавзуларни мазмунан чуқур ўзлаштириш учун дарслик сўнггида келтирилган зоологияга оид қўшимча манбалардан фойдаланиш тавсия этилган.

Ушбу дарслик лотин илмосига асосланган ўзбек алифбосида чоп этилган билан янада аҳамиятлидир.

Ҳ. КУЗМЕТОВА

**Сўнгги пайтларда юқори технологиялар соҳаси мутахассисларидан ташқари социологлар томонидан ҳам «киберхуруж» атамаси тез-тез тилга олинадиган бўлди. Баъзи экспертлар бугун кўплаб давлатларда кузатилаётган интернет орқали инфор­мацион хуружлар кибер урушнинг бир кўриниши бўлиши мумкинлигидан хавотирда эканини ҳам яширмапти. Аслида ҳам ушбу хавфнинг даражаси юқорими? Унинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар кўла­ми қандай ва улар чиндан ҳам самара бермоқдами?**

Кўҳна қитъада бу борада ўзига хос изланишлар бошлаб юборилганига мана бир неча йил бўлмоқда. Хусусан, мавжуд муаммага дунё жамоатчили­гининг эътиборини янада кўпроқ тортиш мақсадига киберхимо­я учун махсус кун аж­ратилиши йўлга қўйилди. Бутундунё интернет хавфсизли­ги кун­и (инглизча Safer Internet Day) номи­ни олган мазкур ўзига хос сана ҳар йили февраль ойининг бирин­чи сешанбасида нишонлана­ди. Уни нишонлаш фикри эса 2004 йили Европа Комиссия­си томонидан ўртага ташлан­ган ва Европа мактаблари тар­мо­ги (European SchoolNet)

мамлакатидан 89та ташкилот, жумладан, 17та вазирлик ва маъмурий бошқармалар ишти­рок этиб, миллий, ҳудудий ҳамда маҳаллий тадбирлар­нинг сони 300тадан ошади. Уларнинг бир қисми таълимий мазмунга эга бўлиб, уларнинг мақсади интернет хавфсизли­ги муаммоларини ҳал этиш усуллари билан кенг жамоат­чиликни таништиришдан иборат.

Буюк Британия, Германия, Франция, Испания, Италия, Дания, Швеция каби қатор дав­латларда мутахассислар то­монидан одатда мактаб ёшидаги болалар тармоқдан фойдала­нишнинг умумий қоидалари,

жамиятга таҳдиди ҳамда хав­фи» мавзудаги мутахассислар ва турли тингловчилар ишти­рокидаги кенг қамровли кон­ференция ўтказилади, дейила­ди webplanet.ru электрон са­ҳифасида.

Жамоатчилик фикр­ини ўр­на­шига қаратилган сўро­в­но­ма­лардан маълум бўлдики, ота­оналар кибермакон таҳдид­ларидан муҳофаза масаласига келганда ўз им­кони­я­т­ларига ор­тиқча баҳо берар экан. Айни пайтда статистика катталар­нинг саъй-ҳаракатлари деяр­ли самара бермаётганини кўрсатди. Масалан, АҚШда ўтказилган тадқиқотда 7—18 ёшдаги болаларнинг 80 фоизи ҳар куни вируси бўлган файлни электрон почтасига қабул қилади. Кибермаконда сайр қиладиган мамлакатдаги ҳар бешинчи бола интернет таҳдидига бир марта бўлса-да учраган, ҳар тўртинчиси эса ёшига мос бўлмаган ахборот­ни олган. Айнан шу сабаб эк­спертлар болалар ва ўсмир­лар интернетдаги салбий ах­боротлар оқими ҳамда инфор­

кўрсаткич 73 миллиондан ор­тмаганди). Бунинг устига «Си­мантек» («Symantec») компани­яси маълумотларига кўра, бу­тун дунёда вируслардан зарар кўраётган компьютерлар сони ор­тиб бормоқда ва улар ўз на­вбатида янада кўпроқ спам ҳамда ва зарарли дастурий таъ­минот воситаларини тарқат­моқда.

— Бугун кузатувлар фойда­ланувчи компьютерига хуруж уюшти­раётган зарарли дастур­лар уни қандайдир бир керак­ли дастурни юклаб олиш ёки бир қараш­да хавфсиз туюлади­ган ҳолда шахсий маълумотларни ош­кор этишга ундайди. Шу боис илмий тилда ижтимоий муҳандислик но­мини олган маз­кур феномен борган сари то —



## ГЛОБАЛ ТАРМОҚ ХАВФСИЗЛИГИ:

# КИБЕРХУРУЖЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

ҳамда бу кунни нишонлашда асосий координатор ҳисоблан­ган Европа хавфсиз интернет тар­мо­ги (European Safer Internet Network — Insafe) но­дав­лат ташкилотлари то­монидан кўллаб-қувватланган. Шун­дан бери бу кун аҳолини, ай­ниқса, болаларни интернет ҳам­маларидан ҳимоя қилиш, тар­моқ хавфсизлигини таъмин­лаш масалалари кўп­лаб етак­чи мутахассислар томонидан му­ҳо­кама қилинади ва улар юзасидан амалий тақ­лиф ҳамда чора-тадбирлар иш­лаб чиқилади.

Бугун юқори технологиялар ҳаё­тимизда тобора кўпроқ маъ­но касб этаётган бир пай­тда Интернет хавфсизлиги ма­саласи долзарб аҳамиятга эга эканини ор­тиқча таъкидлашга ўрин йўқ. Шу боис хавфсиз тар­моқ фаолиятини ўр­натишга бўлган илк қадамлар дав­латларда ҳайроҳлиқ билан қабул қилинди.

Кўҳна қитъада Бутундунё интернет хавфсизлиги кун­и Европа Комиссиясининг Ах­борий жамият ва ОАВ бўйича ко­мис­сари Вивьен Рединг раҳ­барлигида ўтказилади. Ушбу кунга бағишланган тадбирлар­да айни пайтда дунёнинг 33

веб макондаги хавф ва фириб­гарликларга қарши курашиш усуллари билан таништири­лади, таълим муассасаларида хавфсиз интернет юзасидан суҳбатлар ташкил этилади, уларга ўқувчилар билан бир­галикда ота-оналар ҳам жалб этилади, болаларни киберхав­флардан ҳимоя қилишнинг амалий самарали усуллари тақ­лиф этилади. Россияда ушбу кун муносабати билан мана бир неча йиллардан бери анъ­анавий равишда «Хавфсиз ин­тернет ҳафталиги» ташкиллаш­тирилади. Бунда кўпинча «Майкрософт» компаниясининг ҳудудий бошқармаси ва Ин­тернет технологиялари жамо­атчилик маркази ташаббускор­ликни ўз кўлига олади. Акция доирасида «Болалар учун ин­тернет: истикболми ёки хавф?» мавзусида дав­ра суҳбати ўтказилади. Унда эк­спертлар болаларни тармоқда қандай хавф кутаётгани, улар­ни бу мазмундаги ахборотлар­дан қандай ҳимоя қилиш усул­ларини муҳокама қилади, шу­нингдек, киберқарамлик ва интернет этикасига доир ма­салаларга алоҳида тўхталлади­лар. Қолаверса, ҳафталик яку­нида «Интернетнинг инсон ва



мацион хуружлардан нисбатан камроқ ҳимоя қилинган, дея таъкидлашмоқда. Қолаверса, болалар хуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро фонд — ЮНИСЕФ томонидан ташкил этилган сўровлар интернетдан фойдаланадиган 90 фоиз болалар ахлоқсиз сурат ва ви­деоларга дуч келиши, 60 фо­изи эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излагани­ни кўрсатди. Аҳамият­ли­си, ушбу фойдаланувчиларнинг катта қисмини во­яга етмаган­лар ташкил этади, деб ёзади membrana.com сайти.

Мутахассисларнинг таъкид­лашича, бугунги кун киберма­кондаги энг катта хавфлар­дан яна бири ғаразли мақсад­ларда фойдаланиладиган тур­ли дастурлар бўлиб, улар кўп ҳолларда фойдаланувчилар ҳақидаги шахсий маълумотлар­ни ҳар хил фирибгарлик мақ­садларида, хусусан, «спам» да­сту­рларини тарқатиш ва ки­берхуружларни ташкил этиш ниятида фойдаланилади. «Кас­перский лабораторияси» компани­яси маълумотларига кўра, биргина Россияда 2010 йили браузерлар орқали фойдала­нувчилар компьютерларига 580 миллионга хуружлар уюш­тирилган (2009 йили мазкур

бора кенг тарқалаётган хавф кўринишини олмоқдаки, бун­га кўп ҳолларда компьютер ҳимояси заифлиги эмас, бал­ки фойдаланувчининг хатти-ҳаракатлари сабаб бўлмоқда, — дея таъкидлайди ЭХМ му­ҳо­фазаси дастурий таъминоти бўйича «Симантек» компани­я­сининг етакчи мутахассислари­дан бири Алан Пит.

Айнан шу сабаб глобал ми­қёсда интернет хавфсизлиги кунини нишонлаш муносаба­ти билан «Майкрософт» компани­яси дунёнинг турли мам­лакатларидаги интернет фой­даланувчиларига компьютерни вирус ва спам дастурларидан ҳимоя қилиш, шунингдек, ком­пьютер ва тармоқдаги ўзи ҳақидаги шахсий маълумотлар­ни сир тутиш борасида турли тавсиялар беради.

Бу борада яхши самара бе­риши кутилаётган ва ҳозирча синовлардан ўтаётган дастур Германияда амалга таътиб этилмоқда. Аниқроқ айтганда, мамлакатда ўқув мақсадлари­даги киберуруш дастури старт олди. Жараёнда Федерал ва ҳудудий давлат ташкилотлари ҳамда хизматларининг компю­тер тизимлари икки кун мо­байнида тинимсиз равишда сунъий равишда ташкил этил-

## Dolzarb mavzu

ган хакерлар «хужум»и остида бўлган. «Luekex» но­мини ол­ган дастурда уч минг нафар­дан ор­тиқ давлат хизматчи­лари ҳам жалб этилган, деб ёзади «Билд» («Bild») на­ш­ри. Бир неча йилга мўлжалланган мазкур дастур доирасида аҳолини ўз вақтида хавфдан хабардор қилиш, одамларнинг мазкур ҳолатга муносабатини ўр­натиш ҳам киради. Айни

пайтда интернетдаги ижтимоий тар­моқларни ҳам дастурга киритиш кўзда тутилган. Маз­кур тадбирлар мамлакатда фао­лият юритадиган Кибер­химо­я бўйича миллий мар­каз томонидан кузатиб борилади. Таъкидланишича, бундан кўзланаётган мақсад дав­лат хизматлари инфор­мацион те­хнологиялар инфратузилмаси­даги заиф жойларни аниқлаш ва киберхуружлар кузатилади­ган пайтда уларга муно­сиб қарши тура олиш усуллари­ни иш­лаб чиқишдан иборат.

Бунга салкам икки йил тай­ёр­гарлик кўрилган бўлиб, дастлабки синовлар 2011 йил­нинг октябрь ойида бошлан­ган. Уларнинг натижалари бир неча ой тахлил этилади. Шун­дан сўнг 2013 йили навбатда­ги синовлар ташкил этилиши кўзда тутилмоқда.

Сир эмас, интернет ва юқори технологиялардан фой­даланиш бугунги кун ода­мининг одатий эҳтиёжларидан би­рига айланган. Айни пайтда бунда хавфсизликка эга бўлиш, уни таъминлаш чора­тадбирларини ҳам эътибордан чет­да қолдирмаслик зарур. Негаки, сўнгги ўн йилликда ду­­не­даги киберхавфсизлик ту­шу­н­часи батамом ўзгарди, қачонлардир бир хакернинг но­жўя хатти-ҳаракатлари сифа­тида таъриф этилган кибер­хуружлар бугунги кунга келиб комплекс шаклга эга бўлди ва чина­кам таҳдид кўринишини олди. Шу боис ўсиб келаёт­ган ёш авлодни киберхуруж­лардан ҳимоя қилишни ис­та­ган давлатда бу борадаги да­сту­рлар кенг кўла­мда амалга таътиб этилмоқдаки, бунинг нати­жаси ўлароқ, кибермакон хавф­лари­га онли равишда қарши курашишга эришиш мақ­сад қилинмоқда.

**Наргиза ИБРОҲИМОВА,  
«Ma'rifat» мухбири**

## ЎҚУВЧИНИНГ КИМЁВИЙ КАШФИЁТИ

Океанортидаги Канзас-сити шаҳрилик 10 ёшли ўқувчи қиз Клара Лейзен тасодифан янги молекуляр тизимни кашф этди. Таъкидланишича, кашфиёт кучли ёнувчан модда бўлиши мумкин, деб ёзади [ridius.ru](http://ridius.ru) манбаси.

5-синф ўқувчиси Клара Лейзен кимё дарсида ўқитувчиси берган топшириқ — рангли шарчалардан молекула моделини йиғиш билан банд эди. У йиққан модель эса ўқитувчиси эътиборини тортади. Конструкция профессор Боб Зелнерга тақдим этилганда олим бир неча кун архив материалларини қўриб чиқади ва шунга ўхшаш формула фақат бир марта 1904 йили қайд этилганини аниқлайди. Маълум бўлишича, ўқувчи ҳам унга ўхшаш моделни яратган, фақат молекуларлар тартибини биров ўзгартирган экан. Олимнинг фикрича, мазкур модель энергияни сақлаш учун қўлланиши мумкин. Қолаверса, моделда нитроглицерин таркибидagi атомлар гуруҳи борлиги сабаб янги кашф этилган модда ўта портловчилик хусусиятига ҳам эга бўлиши эҳтимолдан холи эмас экан.

## ИЛК СЕЗУВЧАН ЭКРАНЛИ МИКРОСКОП

Япониянинг «Олимпус» («Olympus») компанияси томонидан тақдим этилган DSX сериясидаги янгича электрон оптик микроскоп ўзига хос янгилик бўлди. Нераки, у амаллар сезувчан экран (тачскрин) орқали амалга ошириладиган бу турдаги дастлабки ускуна ҳисобланади, дейилади «ФизОрг» манбасида.



Микроскоп ва сезувчан экран ўртасидаги интеграция шу даражага етганки, намуна махсус жойга қўйилганидан кейинги барча амаллар — фокусни тўғрилаш, катталаштириш, ўлчаш, таҳлил этиш ва ҳисобот тайёрлаш кабилар монитор орқали буйруқ бериш



билан бажарилади. Микроскопнинг яна бир афзал томонларидан бири шуки, у намунани турли бурчақдан туриб солиштириб, кузатувнинг энг мақбул методини танлаш имконини беради. Шу тариқа ускуна намунанинг оптимал суратини олади ва вақтни тежайди. Лекин бунда нафақат қулайлик, балки расмлар сифати ҳам муҳим. Алоҳида таъкидлаш зарурки, микроскоп табиий ранглarnи ўзгартирмаган ҳолда акс эттириб бериш хусусиятига ҳам эга. Ҳозирча «Olympus DSX-500» Япониядан ташқари Осиёнинг бир неча мамлакатларида ҳам сотувга чиқарилган.

## МУСТАҲҚАМ СОФ БИОЛОГИК МАТЕРИАЛ

Океанортидаги Ҳарвард университетининг олимлари арзон, мустаҳкам ва биологик осон парчаланадиган материални яратди. Уларни бунга руҳлантирган нарсa табиат унсuri, яъни хашарот ва денгиз жониворларининг қаттиқ ташқи қобиғи бўлган экан. Янгилик ҳақидаги мақола «Advanced Materials» журналада чоп этилди.

Олимлар янги материалнинг кенг имкониятлари ҳақида гапирар экан, вақти келиб пластикка мўқобил бўла оладиган ушбу «яшил» турдагисидан фойдаланиш йўлга қўйилишига ишонч билдиришмоқда. Майда қисқичбақа ва ипак оқсилларидан ишлаб чиқарилган материал шрилк номини олди. У ингичка ва шаффоф бўлиб, қаттиқлиги алюминий каби экан.



Айни кунда тиббиёт мутахассислари шрилкка қизиқиш билдиришмоқда, чунки у жарроҳлик операцияларида қўлланиладиган, организмга сўрилиб кетадиган ип, жароҳат ва куйган жойларга қўйиладиган, шунингдек, тўқималарни қайта тиклаш хусусиятига эга богич сифатида айни муддао бўлар экан. Унинг энг асосий хусусияти шуки, пластик материалдан фарқли равишда шрилк биологик жиҳатдан осон парчаланadi. Бунинг устига у парчаланиб қолмай, ўғит вазифасини ҳам ўтайди.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



Океанортидаги Геология хизмати хабар беришича, Филиппин оролларида 6,8 балли zilzila содир бўлиб, қутилмаган цунами хавфи туфайли 29 нафар инсон бедарак йўқолган ва 5 нафари ҳалок бўлган.

Шу ойнинг бошидан Европада газ ва электр токи нархи кескин равишда ошиб, бу сўнгги олти йилдаги энг баланд кўрсаткич сифатида эътироф этилмоқда, деб ёзади «Индепендент» нашри.

Япониянинг Окаяма префектурасидаги Курасики шаҳрида тунги пайтда Мидзусима портини «Ниппон Ойл» нефтни қайта ишлаб чиқарувчи компания билан боғлаб турадиган 30 метр чуқурликдаги, узунлиги 140 метр бўлган сувости кўприги номаълум сабабларга кўра қулаб тушиб, оқибатда 5 нафар инсон ҳалок бўлган.

Болгария жанубида «Иваново» сув дамбасининг ўпирилиши натижасида бир неча аҳоли турар жойларини сув босган, шошилич эвакуация ишларига қарамасдан, ҳозирга қадар 5 нафар инсоннинг ҳалок бўлгани ҳақида маълумот берилган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ КЎЙИДАГИ ТАНЛОВ МУДДАТИ ТУГАГАН ВА БЎШ (ВАКАНТ) КАФЕДРА МУДИРИ, ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ШАРТНОМА АСОСИДА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Шарқ тиллари» кафедраси бўйича:

- кафедра мудир
- катта ўқитувчи -1та

«Информатика ва ахборот технологиялари» кафедраси бўйича:

- катта ўқитувчи -1та

«Халқаро иқтисодий муносабатлар» кафедраси бўйича:

- катта ўқитувчи -1та

«Тарих» кафедраси бўйича:

- кафедра мудир
- доцент-1та

«Фалсафа» кафедраси бўйича:

- катта ўқитувчи-1та

«Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО» кафедраси бўйича:

- профессор-1та

«Исломишунослик» кафедраси бўйича:

- кафедра мудир


«Табиий фанлар» кафедраси бўйича:

- катта ўқитувчи -1та

### Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва таржимаи ҳол;
- олий маълумоти, илмий даража ва унвони ҳақидаги дипломлар;
- малака оширгани ҳақидаги гувоҳнома нусхалари;
- илмий ишлари рўйхати;
- танловдан ўтаётган шахснинг фаолияти ҳақида ҳисобот;
- профессор-ўқитувчилар дарсини ўрганиш сифат комиссиясининг ҳулосалари;
- кафедранинг профессор-ўқитувчи фаолияти, очиқ дарслари таҳлили муҳокамасига бағишланган мажлиси қарори.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.



Мурोजаат учун манзил:  
Тошкент шаҳри,  
Шайхонтоҳур тумани,  
А.Қодирий кўчаси, 11-уй.

Телефонлар:  
(8-371)244-00-91, 244-95-99.

# АСРЛАРДАН СЎЗЛАЁТГАН МАҲОБАТ

Қадимдан халқ усталари шарқона жиҳозлар ясада ёғочнинг пишиқлигига эътибор берганлар. Кўҳна биноларга қўйилган дарвоза, эшик, дераза ва панжараларга назар солсак, салобати билан кишини ҳайратда қолдиради.

Уларнинг бежиримлиги, дарчага ўрнатилган панжаралар нақшикорлиги Шарқ мейморчилиги услуби ва маҳоратидан дарак беради. Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Кўҳна, Марғилонда ясалган дарвоза, эшик, дераза (ойна-сиз, ёғочдан) ҳамда панжаралар асрлардан буён дунё халқларининг эътиборини тортиб келмоқда.

Эшикнинг ўйма нақшларда безатилиши азалдан одат тусига кирган. Илгари темир жуда ҳам ишлатилган. Ҳатто ошиқ-мошиқлар ҳам ёғочнинг ўзидан чиқарилиб, жуда пухталиги билан ажралиб турган.

Шуниси эътиборлики, ўтмишда ўйма нақшли эшиклар, панжаралар эскирган сари табиий рангини намоён этган. Мих, елимдан фойдаланмасликнинг ўзи уста маҳоратидан дарак беради.

1970 йили Бухорога сафарга чиқанимда, мудофеа деворлари қолдиқларини, қадимий бинолардаги ўнлаб дарвозаларни кўриб, завқ билан томоша қилганман, Кўкалдош мадрасаси (Лабиховуз ёқаси) да бир ҳафта бўлдим. Саксон ёшдан ошиб қолган букири чол, дарвозабон дарвозани очиб ва бекийтишнинг ҳам сири борлигини таъкидлаган.

Истиқлолнинг йигирма йиллиги муносабати билан Тош-

кентнинг ўн икки дарвозасидан бири Ўзбекистон давлат санъат музейининг биринчи қавати фойесига қўйилди. Дарвоза кўш табақали, ўйма нақшларда ясалган бўлиб, анча катталиги, салобатлилиги билан,

Тошкент эшигига берилган бўртма нақшлар (паргори) яққол кўзага ташланиб, табиат манзараларини эслатади. Уларда кўпроқ гуллар тасвирини кўрамыз. Самарқанд эшикларини нақшлари майда бўлса, Бухоро эшикларига берилган ўйма нақшлар бироз сийраклиги билан ажралиб туради. Хива эшикларини қайрағочдан, бошқа шахарларники эса кўпинча терак, ёнғоқ дарахтларидан ишланганиги сир эмас. Хивалик уста, 105 йил умр кўрган Ота Полвоновнинг 1937 йилда яратган эшиги, тошкентлик уста Ортиқ Файзуллаевнинг шогирдлари билан тайёрлаган кўш табақали дарвозаси қадимий анъана да-

## Boqiy meros

лан эътиборни тортади.

Ўзбекистон давлат санъат музейининг халқ амалий санъати бўлимида XIX-XX аср оралиғида яратилган эшик, дарвоза, панжаралар муносиб ўрин олган. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива эшикларидидаги ўйма нақшлар бир-биридан анча фарқ қилади. Маса-

вом этиб келадиганидан яққол далолатдир.

Кўконилик ёғоч ўймакор устаси, Ўзбекистон халқ рассоми Қодиржон Ҳайдаров грих услубида ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейига эшиклар, дарвозалар ишлаб берганди. Бу намуна шу кунгача қилт этмай, санъат муҳлисларини ҳайратда қолдирмакда. Яна бир эшик санъат музейи маъмурий хонасини безаб турди. Паргори услубида ишланган бу эшикни истеъдодли уста Ортиқ Файзуллаев 1974 йили музейнинг янги биносига туффа этган.

Ёғоч деразаларни Тошкент шаҳридаги эски биноларда кўп кўрганмиз. Уйлаймизки, асрлар оша яшаб келадиган ўлмас меросимиз намуналари салобати яна бир неча асрлар мोजидан ҳижоа қилиб туради.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**  
санъатшунос

## Ta'lim fidoyilari

### МУРАББИЙЛИК — ЮКСАК МАРТАБА

Муҳаббатхон Қурбонова илмининг машаққатли йўлини босиб ўтди. Самимийлик, ростлик ва тўғри-сўзлик унинг йўлларини ёритувчи чирок бўлди.

У узок Хоразм воҳасида таваллуд топди. Фан сирларини билишга бўлган қизиқиш мактаб парталаридан ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети филология факультети аудиторияларига етаклади. Унинг кўнглидаги илмга ташналик, илмга садоқат туйғуларини масъулият билан тарбиялаган устозлари университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасида истеъдодли талабаларининг янги кашфиётлар очишига умид қилиб олиб қолдилар. Аспирантлик мuddатини кутубхоналарда меҳнат билан ўтказди, натижада сабр билан олиб борилган меҳнат маҳсули — филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилаётган диссертация ўз мuddатида яқунланди. Ўзбек тилшунослиги соҳасини янгиликлар билан бойитиш ҳамда кашф этишга интилиш эътиҳи «Ўзбек тилшунослигининг формал-функционал йўналиши ва содда гап курилишининг талқини» мавзусида на-вбатдаги илмий иш олиб боришга ундади. Натижада 2001 йили М.Қурбонова филология фанлари доктори илмий даражасини олди.

М.Қурбонovanинг ўзбек тилшунослиги бўйича эришган натижаларига жаҳон олимларининг ҳам эътибори тушган. У чет элларда ўтказилган қатор халқаро илмий конференцияларда ўз маърузаларини билан қатнашди. Унинг илмий ишлари Туркия, Малайзия, Қозоғистон ҳамда чет давлатларда қабида республикамизнинг нуфузли журнал ва илмий тўлғамларида эълон қилинди. 2007 йили «Истеъдод» жағмармаси гранти соворидори сифатида Малайзиянинг MAPA Технологиялар университе-

тида малака ошириб қайтди. Олган сабоқларини ўз фаолияти давомида татбиқ этиб келмоқда.

Олима томонидан 65та илмий, ўқув-услубий ишлар, жумладан, 10та ўқув кўлланма, 1 методик кўлланма ва 50дан ортиқ илмий мақолалар, тезислар эълон қилинди. Муҳаббатхон ҳаммуаллифликда яратилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили. 3 қисм» ўқув кўлланмаси учун 2007 йилда «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танловида ғолиб деб топилди, 2-даражали диплом билан тақдирланди.

Янги замон билан қадам ташлаш ҳамиша ўқиб ўрганишни талаб қилади. Муҳаббатхон ҳам билим ва тажрибалари асосида ЎзМУнинг Олий педагогика институти тингловчилари учун «Тил ва таълимда инновацион технологиялар» номли фан бўйича дастур тайёрлаб ўқув режага киргани ҳам эътиборга молик. Ҳозирги кунда Муҳаббат Қурбонова ўзбек филологияси факультети талабаларига маърузалар ўқийди.

— Маъруза қилиш, бор эгаллаган билимларини талабаларга беришдан кўра яхшироқ завқни билмайман, — деди Муҳаббатхон Қурбонова. — Мураббийлик шогирдга илмий билимини сингдириш экан, бу ҳам ўзига хос бир санъатни талаб қилади. Унга эришиш эса осон эмас.

Муҳаббатхоннинг яна бир даражаси, «лавозими» бор. У бир оиланинг чиройли бекасис, уч фарзанднинг атрофида гирдиқалпак бўлган фидойи она.

Муҳаббатхон ана шундай кўнгул дунёси кенг, ақл-идроки юксак, ҳақлараст олим. Кўплар орзулаган улуг йўл, ҳақиқат ва илм йўли Муҳаббатхонга насиб этган. Фидойи инсон эса ҳамиша халқ хурматидар.

**Саноабр КАРИМОВА,**  
филология фанлари номзоди, доцент

Фидойи олим Самин Раҳимовни суяги фалсафада қотган дейишадди. Ҳақ гап. У бу соҳа олимларининг катта-кичик асарларини кунт билан ўрганган, ҳаваскор файласуфликдан фан доктори, профессор деган юксак илмий даража соҳиб бўлишдек машаққатли илм йўлини босиб ўтган файласуф. Илмий-педагогик фаолияти, тош босадиган қатор-қатор тадқиқотлари, қўлбалқуватлаб турган аҳил оиласи, изидан бораётган фарзандлари-ю, жамиятимизнинг фаол маънавий-маърифий тарғиботчилари бўлган кўлдан-кўп шогирдлари билан ҳар қанча гуруҳланса, ҳар қанча фахрланса арзийдиган ташаббускор ва фидойи олим.

Бундан ўттиз йил муқаддам илмий-пе-



### ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСАК АРЗИЙДИ

дагогик фаолиятини Тошкент фармацевтика институтининг фалсафа кафедрасида бошлаган бу инсон кейинроқ Тошкент қишлоқ ўқулиги институтининг фалсафа ва сибастшунослик кафедраларида доцент, профессор, кафедра мудирини лавозимларида давом эттириб, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшди. Унинг 2002 йилдан бошлаб, «Республика маҳалла эиеси» ўқув марказига раҳбарлик қилиши, айни пайтда турли мамлакатларда ўтказилган халқаро илмий-амалий анжуманларда инглиз тилида қилган маърузалари олимлик салоҳиятининг янги қирраларини намоён этди. 2006 йилда «Инсон ҳуқуқи — олий кадрият» мавзусида ўтказилган танловда Самин Раҳимовнинг халқаро грантага муносиб деб топилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Олим қаерда ва қайси лавозимда ишлаганисин, илм олишни, илмий мақола, ўқув-услубий кўлланмалар, дар-

сликлар яратишни ўзининг асосий бурчи, деб билди. «Қишлоқ социологияси», «Сибастшунослик асослари», «Экологиянинг инжумоний-сиёсий ва фалсафий асослари» сингари илмий, «Дунёни меҳр яшнатди», «Инсон ҳуқуқлари олий кадрият», «Маърифат эзгулик элчиси» каби илмий-оммабоп ва публицистик асарлари, бир юз эликдан ортиқ турли мавзулардаги долзарб мақолалари профессор Самин Раҳимов илмий фаолиятининг асосини ташкил этади. Бу асарлар серқирра олим ҳаёти мазмун-моҳиятининг меваси сифатида ёшларни миллий истиқлол ғояларини руҳида қомил инсонлар қилиб тарбиялашда ҳам муҳим аҳамият касб этаётганлиги билан эътиборга моликдир.

Ана, профессор Самин Раҳимов оdatдагидек, қирчиллама йигитдек шахдам қадам ташлаб Тошкент мoлия институтига кириб келмоқда. Яна бир неча дақиқа лардан сўнг, чеҳраларида илмга чанқоқлик, янгиликка интилиш, эртанги кунга ишонч ёлқинланиб турган талабалар ҳузурда бўлади. Қўлини кўксига қўйиб, «Ассалому алайкум», деган йигит-қизларнинг нур ёғилиб турган юзи-кўзларига оталардек меҳрибонлик билан боқиб, ичидан қувониб кетади...

**Нуриддин ОЧИЛОВ**

### ОРЗУГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ҳар бир одам ёшлиқданок келажакда маълум бир касбини эгаллашни орзу қилади ва шунга ҳаракат қилади.

Ёшлиқдаги орзуларнинг ушалиши учун тинмай меҳнат қилиш керак, мақсадни аниқ белгилаб олиш лoзим — дейди, физика-математика фанлари доктори, профессор, таниқли математик олим Талат Зупаров. Бугунги кунда олим мамлакатимиз ва чет эл математик жамоатчилиги орасида эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, сонлар назарияси ва уларнинг тадбиқлари соҳаларидаги илмий изланишлар муҳаллифи сифатида танилган. Мана 40 йилдирки, домла Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетида талабаларга эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, сонлар назарияси ва уларнинг тадбиқлари мавзуларида сабоқ бериб келмоқда.

Т.Зупаров мактабда ўқиб юрган пайтлариданок математика фанининг сир-асрорларини таҳлил этишдан тинмагани ва келажакда илмий иш билан шуғулланишни истагани учун университетининг математика факультетига ўқишга қиради.

Интилувчан йигит дастлабки курслардаёқ ўзини кўрсатишга, билими-

ни янада кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилади.

Унинг математик сифатида шаклланишида илмий раҳбари, таниқли ўзбек математиги ва педагоги, Тошкент эҳтимоллар назарияси мактабининг асосчиларидан бири физика-математика фанлари доктори, академик С.Сирождиновнинг хизматлари катта бўлган. Т.Зупаров илмий устози раҳбарлигида талабалик вақтида локал лимит теоремалар соҳасида илмий иш билан шуғуллана бошлаган ҳамда турли илмий анжуманларда маърузалар билан қатнашган.

Изланишлари, меҳнатлари ва ҳаракатларининг натижасида Т.М.Зупаров 1969 йилда «Тасодифий микдорларнинг баъзи синфлари учун текис локал лимит теоремалар» мавзусидаги номзодлик диссертациясини химоя қилди.

1971 йилдан ҳозиргача Талат Зупаровнинг илмий-педагогик фаолияти Ўзбекистон Миллий университетида ўтмоқда. У «Алгебра ва сонлар назарияси» кафедрасида ишлади ва кейинчалик кафедранинг профессор ўқитувчилар жамоасини бошқарди. Математика факультетининг «Математика ўқитиш услуби ва тарихи» ка-

федрасининг мудирини лавозимида ҳам фаолият олиб борди.

1994 йилда у «Банах фазосидан қийматлар қабул қилувчи қузсиз боғланган тасодифий микдорлар учун лимит теоремалар бўйича тадқиқотлар» мавзусида докторлик диссертациясини мувофақиятли химоя қилди.

Профессор Т.Зупаровнинг қаламига мансуб 70 дан ортиқ мақолалар, монография ва ўқув кўлланмалар бор. Унинг кўпгина илмий мақолалари ва ўқув кўлланмалари чет тилларга таржима қилиниб, чет эл илмий журналлари ва нашрларида chop этилган. Профессор Т.Зупаров илм кишичи бўлиш билан бирга жонқуяр ва моҳир педагог, меҳрибон устоз ҳамдир. Шу кунгача унинг раҳбарлигида 2та докторлик ва 10та номзодлик диссертациялари химоя қилинди.

Ёшларнинг сеvimли устози Талат Зупаров илмий ва педагогик фаолиятини мамлакатимизнинг келажаги учун етук ва малакали кадрлар тайёрлашга қаратган.

**А.АБДУШУКУРОВ,**  
ЎЗМУ «Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика» кафедраси мудирини, физика-математика фанлари доктори, профессор

# ЧИНАКАМ СПОРТЧИ ЕНГИЛМАЙДИ

Мухтарам Президентимизнинг "Бундан буён барча режаларимизда маданият, маърифат, жисмоний тарбия ва спорт биринчи даражали вазифалар қаторидан жой олиши лозим" деган фикрлари бугунги дунёвий жараёнлари нақадар теранг англаган ҳолда айтилганига воқеалар ривожига қараб амин бўламиз. Айни вақтда шундай уздан мақсадларга замин бўлиб хизмат қилаётган мамлакатимиздаги уч босқичли: "Универсиада", "Баркамол авлод", "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари тизими жаҳоннинг бирорта давлатида кузатилмагани боис халқаро миқёсда ҳам эътироф этилаётгани қувонарлидир.

Маълумки, халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактабларида таълим-тарбия олаётган 16 ёшдан катта бўлмаган ўқувчилар иштирокида "Умид ниҳоллари" республика спорт мусобақаси 2003 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Бу йил Навоий шаҳри ушбу нуфузли спорт байрамига мезбонлик қилди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюриши кўзда тутилган кўп сонли ёшларимиз спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашдилар.



Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидоги мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақасининг саралаш босқичлари ўтказилмоқда. Спорт ўйинла-

рининг 5—7-синф ўқувчилари ўртасида вилоят босқичи нияҳасига етказилиб, мураббийлар томонидан республика босқичига тайёргарлик ишлари режа асосида ўтказилмоқда.

— Вилоятдаги мавжуд 1116та умумтаълим мактабида тахсил олаётган 492018 нафар ўқувчининг 181068 нафари (77866 нафар қиз бола) спортнинг турли йўналишлари билан мунтазам шуғулланмоқда, — деди вилоят "Ешлик" жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг бош мутахассиси Қаҳрамон Холмўминов. — Мусобақанинг вилоят босқичида 2132 нафар (870 нафар қизлар) ўқувчи иштирок этди.

Саралаш мусобақаларидан сўнг Қарши шаҳрининг бадий гимнастикачи ўқувчи-қизларига Вера Катаева, Косон туманининг футбол жамоасига Анвар Эргашев, Қарши шаҳрининг баскетболчилар жамоасига Сергей Лян, Муборак туманининг волейболчи қизларига Оганйёв Бойниёзов, Шаҳрисабзнинг спорт гимнастикачиларига Хайрулла Жабборов, Яққабғо туманининг енгил атлетикачиларига Бўрон Тўраев, Ғузор туманининг курашчи ўқувчиларига Холмурод Тошмухаммедов ва би-

тажрибали устоз-мураббийлар спорт сирларини ўргатмоқда.

— 6 ёшдан буён бадий гимнастика билан мунтазам шуғулланиб келаман, — деди Қарши шаҳридаги 41-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Дилмера Ашурова. — Устозим Вера Катаевдан спортнинг ушбу тури асорини пухта ўрганиб келяпман. Спортда эришаётган ютуқларимга дугоналарим хавас билан қарашади. Мен уларга ҳам бадий гимнастика билан шуғулланишни таклиф этаман. Спортга дўст бўлган ўқувчи соғлом бўлади. Бу йил Навоий шаҳрида ўтаётган "Умид ниҳоллари-2012" спорт мусобақасининг республика босқичида иштирок этишимдан жуда хурсандман. У ерда ўзим билганларимни аъло даражада ижро этишга ҳаракат қиламан.

Шундай қилиб, «Умид ниҳоллари-2012» спорт мусобақаларининг 5—7-синф ўқувчилари ўртасида яқунланган вилоят босқичида умумжамоа ҳисобида Ғузор тумани ёшлари 1-ўринини, муборакликлар 2-ўринини ва Қарши шаҳри вакиллари 3-ўринини эгаллашди.

Шуни мамнуният билан айта оламизки, уч босқичли спорт мусобақаларида иштирок этишни кўзлаётган қашқадарёлик ёшлар сафи йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Бу вилоятнинг шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси орасида спортни ривожлантириш ва кенг тарғиб қилиш ишлари юксак даражада амалга оширилаётганидан дарак.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ  
Қашқадарё вилояти



## ЖОКОВИЧ — СПОРТ «ОСКАРИ» СОВРИНДОРИ

Дунёнинг биринчи рақамли ракеткачиси Новак Жокевич спорт «Оскар» номини олган Laureus World Sports Awards мукофотига лойиқ топилди. Шу тарихқа Жокевич 2011 йилнинг энг яхши спортчисига бериладиган совринга эгаллик қилди, дея хабар берди Laureus спорт академиясининг расмий сайти.

Шу билан бирга, йилнинг энг яхши аёл спортчиси сифатида



узун масофага югуриш спорт тури билан шуғулланадиган кенаяк спортчи аёл Вишван Черуйот эътироф этилди. Тақдирлаш маросими эса Лондонда бўлиб ўтди. Таъкидлаш зарури, Н.Жокевич 2011 йили «Катта дубулга» туркумига кирувчи урта

турнир серияларида, 2012 йил бошида эса Австралия очик чемпионати (Australian Open) мусобақаларида галаба нашидасини сурган. В.Черуйот 2011 йили Жанубий Кореянинг Тагу шаҳрида ўтган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг 5000 ва 10000 метр масофага югуриш баҳсларида олтин медалга эгаллик қилган.

## «СЕВИЛЬЯ»ДА ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Испаниянинг «Севилья» футбол клуби янги бош мураббий этиб Мичел номи билан машҳур Хосе Мигел Гонзалес тайинланганидан бўлди. Томонлар келишув шартлари бўйича муҳокамани ўтказиб бўлишган, фақат мураббийнинг клуб билан шартномани имзолаши қолган ҳолос. Бу ҳақида клубнинг расмий сайтыда эълон қилинди.

Мичел чемпионатда маълумиятлар сериясидан сўнг ўз вазифасидан озод этилган Марселино Гарсия Торалнинг ўрнига тайинланмоқда. Ушбу учрашуларда «Севилья» бор-йўли икки очко йиғиб, Европа Лигаси ва Испания кубоги баҳсларидан чиқиб кетди.

48 ёшли Мичел кўп йиллар давомида Мадриднинг «Реал» клуби ва миллий терма жамоа сафида тўп сурган. 2009-2011 йилларда «Хетафе»га мураббийлик қилиб, мамлакат биринчилигида жамоа билан бирга олтинчи ўринга кўтаришган ва шу тарихқа клуб тарихида энг яхши кўрсаткичга эришган. Мичел 13 февраль кун «Севилья» бosh мураббийи сифатида дебют ўйинини ўтказди. Шу кун «Севилья» мамлакат чемпионати баҳслари доирасида «Реал Сосьедад» билан матч ўтказди.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

1994 йилда Тошкент олий педагогика билим юрти томонидан Эргашева Дилором Машраповна номига берилган N 029456 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

1999 йилда 1-Тошкент педагогика билим юрти томонидан Маликова Мунаввар Каримовна номига берилган N 330694 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Умумтаълим мактаб ўқувчилари учун дарсликлари қайта нашр этиш юзасидан тендер савдоларига тақлифлар бериш мuddати узайтириш тўғрисида эълон**

Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 11 январдаги «Ma'rifat» газетасининг 3 (8444)-сонида эълон қилинган 2012-2013 ўқув йилига умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалари қайта нашр этиш юзасидан Тендер савдоларига тақлифлар бериш мuddати 2012 йил 21 февраль соат 14:00 гача узайтирилди.

Тендер тақлифлари 2012 йил 21 февраль кун соат 15:00да Республика таълим марказида (манзил: Тошкент шаҳри, Фуркат кўчаси, 174-уй) барча қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади.

# БИЛИМ ВА СПОРТ БАРКАМОЛЛИК ПОЙДЕВОРИ

Спорт — кишига баркамоллик бахш этиб, катта ҳаётга тайёрловчи омил. Шу маънода Фарғона давлат университети қосидаги 2-академик лицейда ушбу фан машғулотларининг самарали ташкил этилишига муҳим аҳамият қаратилмоқда.

— Спортчи бўлиш бир қарашда жуда ҳам осондек туюлади. Жисмоний машқлар кифоя, дея фикр юритувчилар ораминда учраб туради. Аммо спортчи ҳақиқий маънода ватанпарвар бўлиши кераки, фаолияти орқали Ватанини жаҳонга танитишга интилиши лозим. Унинг елкасида турувчи ушбу буюк масъулият кучли ирода

ҳамда матонат талаб этади, — деди ушбу лицейнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Мухаммадбобур Сайдалиев. — Лицейимизда ёшларимизнинг жисмонан соғлом ўсишлари учун барча шарт-шароит яратилган бўлиб, ёшлар ўзларининг қизиқишларига кўра ташкил этилган 6 та: футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси,

енгил ва оғир атлетика йўналишларидоги тўғрақларга аъзо бўлиши мумкин.

— Мен стол тенниси тўғрагига аъзоман, — деди 3-босқич ўқувчиси, таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпиони Сардор Раҳимов. — Мактабда ўқиган вақтимдан бошлаб таэквондо билан жиддий шуғулланаман. Стол тенниси эса эгичликни оширишга хизмат қилади.

Мазкур масканда ўқувчиларнинг жисмонан бақувват ҳамда соғлом бўлиб улғайишлари йўлида мунтазам равишда спорт тадбирлари

ўтказилади. Масалан, ўғил болалар ўртасида футбол, баскетбол ва волейбол бўйича лицей биринчилиги мусобақалари, қизлар ўртасида уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамловчи жисмоний машғулотлар, баҳслар ташкил этилади.

Ҳозир лицейнинг футбол, баскетбол ва волейбол бўйича терма жамоалари шакллантирилиб, улар «Монолит» номи билан турли мусобақаларда лицей шарафини муносиб ҳимоя қилиб келмоқда.

Зарнигор ОМОНИЛЛАЕВА

## ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Париж шаҳри (Франция)да дзюдо бўйича кечган «Катта дубулга» туркумидаги нуфузли халқаро турнирда сайёрамизнинг 97 мамлакатидан келган 594 нафар полвон қаторида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли қатнашиб, 2 олтин ва 2 бронза медаль тўплади ҳамда умумҳисобда 1-ўринни банд этишди.

Олтин медалларни Ришод Собиоров (60 кг.) ва Дилшод Чориев (90 кг.гача) кўлга киритган бўлса, Абдулла Тангриев ва Рамзиддин Саидов бронза медаллари билан кифояланди.

Пойтахтимиздаги «Жар» стадионида футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бу йил Лондонда бўладиган XXX ёғги Олимпия ўйинларига чиқши учун ўтказилаётган Осиё саралаш мусобақасининг навбатдаги тур учрашувини ўтказди. Юрtdoshларимиз 3-босқичда «Б»

гурухида фаворит дея эътироф этилган Австралия олимпиячиларини 2:0 ҳисобида енгиб, очколари сонини 8taga етказиб олди. Олимпиячиларимиз навбатдаги матчи 21 февралда ироқлик футболчиларга қарши сафарда ўтказилади.

\*\*\*  
Пойтахтимиздаги Олимпия захиралари коллежида Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон очик кубоги ҳамда енгил атлетика бўйича 1993-1994 йилда туртилган ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 260га яқин спортчилар иштирок этди. Икки кун давом этган мусобақаларда вилоятлар вакиллари енгил атлетиканинг 28 тури бўйича ўз ҳудуди шарафини муносиб ҳимоя қилди. Беллашувлар мурасасиз кечди. Масалан, эркаклар ўртасида кеч-

ган 60 метрга югуриш бўйича Қўқон давлат педагогика институти талабаси,

100—200 метр югуриш бўйича 15 карра республика чемпиони Достон Саидалиев масофани 6,89 сонияда босиб ўтиб, олтин медални кўлга киритди. Бу орқали у ушбу йўналишда республикада энг кучли спортчи эканлигини яна бир бор исботлади.

Очқолар ҳисобида Тошкент I жамоаси биринчи, Тошкент вилояти вакиллари иккинчи, Тошкент II жамоаси эса учинчи ўринни кўлга киритди.

Айтиш ҳозик, ушбу мусобақалар Хитойда ўтказиладиган Осиё ўйинлари ҳамда Лондонда бўлиб ўтаётган Олимпия ўйинлари, шунингдек, Барселонада ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги 14-жаҳон чемпионатида иштирок этадиган спортчилар учун тайёргарлик ва уларни саралаш борасида ташланган муҳим қадамлардир.

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ ЮКСАК

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг 2009 йил 27 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ очилган Турин политехника университети ўз фаолиятини Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ҳамда Турин политехника университети (Италия Республикаси) билан ҳамкорликда амалга оширмоқда. Европадаги етакчи олий таълим муассасасининг мамлакатимиздаги мазкур филиалида машинасозлик технологиялари, ар-



ва вазибаларига мувофиқ автомобиль, машинасозлик ва электротехника

ҳамда қуриш корхона ва ташкилотлари учун юқори малакали мутахассис-

амалий билими, кўника ва тажрибасини оширишга хизмат қилаётир.

вий роботлар ёрдамида металл куйиш, унга ишлов бериш, конструкция ва деталларнинг мустаҳкам ва чидамлилигини ўлчаш каби қатор амалиётлар бажарилади. Технопаркнинг сейсмология муҳандислиги ва сейсморбардошли қурилиш бўлимида эса ноёб сейсмик қурилма ёрдамида турли иншоот ва биноларнинг, шунингдек, қурилиш материалларининг сейсмик мустаҳкамлигини ўрганишга оид тадқиқотлар ўтказилади.

Университетнинг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган ахборот-ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазифа-



хитектура ва қурилиш, sanoatda ахборот-коммуникация технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизими, энергетика йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

Илк битирувчиларига 2013 йилда йўланма берилган ушбу университетнинг асосий мақсади Турин политехника университетида (Италия Республикаси) қабул қилинган таълим дастурларига ҳамда олий таълим сифатига қўйиладиган умумэтироф этилган халқаро талабларга, Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад

лар тайёрлашдан иборат. Таълим даргоҳидаги технопарк талабаларнинг

Унинг машинасозлик бўлимида соҳага доир асбоб-ускуналар ва замона-

сини бажаради. Юз мингдан зиёд китоб захирасига эга ушбу кутубхонада ёшлар интернет тармоғига уланган компютерлардан фойдаланиши мумкин.

Таълим даргоҳидаги мультимедиа студияси, ўқув, компьютер хоналари, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллар ҳам талабалар ихтиёрида. Бу ерда турли илмий-амалий анжуманлар, видео-конференциялар, ўқув семинарлари, байрам дастурларини ташкил этиш анъанага айланган.

Таълим даргоҳидаги мультимедиа студияси, ўқув, компьютер хоналари, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллар ҳам талабалар ихтиёрида. Бу ерда турли илмий-амалий анжуманлар, видео-конференциялар, ўқув семинарлари, байрам дастурларини ташкил этиш анъанага айланган.

Сервар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.



## Ma'rifat

### TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumalazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6436



9 772010 643609

INDEKS: 149, 150. G-218.  
Tiraji 55127.  
Hajmi 4 bosma taboq.  
Ofset usulida bosilgan,  
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirish shart.  
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,  
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotavda  
erkin narxda

Dizaynerlar:  
Malohat TOSHOVA,  
Liliya BINASHEVA.  
Navbatchi muharrir:  
Nargiza IBROHIMOVA.  
Navbatchi: Sherati NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonamanzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА аққони — 20.45  
Топширилди — 21.15